

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТ

МУХАММАДИЕВ КАМОЛИДДИН

**Тижорат банкларини кредит портфелини бошқаришни
такомиллаштириш
(ОАТБ «Микрокредитбанк» Сам. вил. мисолида)**

5A230701 – Банк иши

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:
И.ф.н. Ниёзов З .Д.

Самарқанд – 2014 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I Боб. Тижорат банклари фаолятини ташқил этиш асослари ва

уларнинг кредит портфелларининг иктисодий моҳияти-----

1.1. Тижорат банкларининг кредит портфелининг моҳияти-----

1.2 Тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантириш
мезонлари-----

1.3 Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш ва баҳолаш
меъёрлари-----

II Боб Тижорат банклари кредит портфелининг амалдаги ҳолати ва

таҳлили-----

2.1. Тижорат банклари фаолятини бошқариш да юзага келувчи рисклар ва
уларни ва уларни бошқариш тамойиллари-----

2.2. Тижорат банкларида банк рискларининг таснифи-----

2.3. Тижорат банкларида юзага келиши мумкин бўлган рискларни кредит
портфелини сифатлилигини таъминлаш орқали пасайтириш йуллари-----

III Боб. Банк кредит портфелини унинг молиявий барқарорлигини

таъминлашдаги роли.-----

3.1 Банк активлар сифати ва банк йукотишлари бўйича захиралар
ташқил этиш йуллари-----

3.2 Кредит портфелини сифат даражасини таҳлил қилиш боскичларини
эътиборга олган ҳолда кредит сиёсатини ишлаб чиқиш йуллари-----

3.3. Тижорат банкларининг кредит портфелининг таркиби ва
уни такомиллаштириш йуллари-----

IV Боб Кредит портфелини оқилона бошқариш орқали муаммоли

кредитларни пасайтириш йуллари.-----

4.1 Муаммоли кредитлар ва уларни сифат белгиларига қараб гуруҳлаш.-----

4.2 Тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитлар

чегарасини белгилаш йуллари-----

Хулоса ва тавсиялар.-----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати -----

Кириш

Тижорат банклари фаолиятининг баркарорлиги ва ракобатбардошлиги уларнинг ресурсларини тугри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шунини таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредит портфелини ташкил қилиш, бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида катор ечилмаган муаммолар мавжуд. Маълумки, бозор иқтисоди кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг кредит сиёсати, уларнинг кредит портфели ва унинг сифати, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади, чунки кредит портфелининг тугри ташкил қилиниши уларнинг самарали фаолияти курсатаётганидан далолат беради. Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий уринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тугри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва баркарор фаолият курсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йул қуйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банкларининг самарали фаолиятининг гаровидир. Унинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит рискларини камайитиришнинг омили ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий муҳит тижорат банклари фаолиятида мавжуд муаммоларнинг олдини олиш банк фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштиришга эришиш куп жихатдан улар фаолиятида юзага келувчи рискларнинг олдини олишга, у билан боғлиқ илмий тадқиқотларни амалга оширишга боғлиқ. Аммо, бугунги кунгача бу мавзуга бағишланган чуқур тадқиқотлар утказилмаган.

Банк фаолияти мавжуд маблағларни энг кам риск асосида жойлаштиришни ва даромад олиш кузда тутди. Юқори даромад олиш эса уз навбатида банклар олиб борадиган операцияларнинг рисклилиқ

даражасини оширади. Шу сабабли тижорат банклари бошқа хужалик субъектларига караганда бир неча баробар юкори риск билан фаолият курсатадилар.

Иқтисодий адабиётларда банклар фаолияти самарадорлиги, уларнинг молиявий баркарорлигини таъминлашда кредит портфелининг банк фаолиятига таъсир қилиш томонларининг чуқур урганиб чиқилмаганлиги, кредит портфели билан боғлиқ рисклар мохиятининг шу кунгача очиб берилмаганлиги, рискни олдиндан кура билиш ва уни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш, тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш асосида юзага келувчи рискларни камайтириш йули билан банкларнинг ликвидлилиги ва туловга лаёқатлилигини таъминлаш муаммоларининг республика тижорат банклари фаолияти мисолида тадқиқ қилинмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади. Тижорат банклари ва улар фаолияти кредит портфели ва рискларга таъсирчанлигини яхлит боғланган ҳолда урганиш. бу жараёнлардаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, тижорат банклари учун комплекс кредит сиёсатини ишлаб чиқиш, кредит портфелини бошқариш усуллариини такомиллаштириш, тижорат банкларнинг кредит портфелини диверсификациялашни илмий асослаш, банк рискларини камайтирган ҳолда, уларнинг ликвидлилигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш илмий ишимизнинг асосий мақсади ҳисобданади.

Куйилган мақсад куйидаги вазифаларнинг илмий ечимларини асослаб беришни таказо этади:

- банклар фаолиятини кредит портфелига у билан боғлаш асосида банк ишини ташкил қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш;
- банк кредит портфелининг иқтисодий мохиятига таъриф бериш, кредит портфелини бошқариш усуллариини тадқиқ қилиш ва банк фаолиятида уни татбиқ қилиш лозимлилигини асослаш;

- тижорат банклари активларининг рисклилиқ даражасини тадқиқ қилиш асосида кредит портфелининг чегарасини аниқлаш йулини ишлаб чиқиш ва унинг банклар фаолияти самарадорлигини оширишдаги таъсирини асослаб бериш;

- кредит портфелининг иқтисодий моҳиятини асослаш орқали уни сифат жиҳатдан таҳлил қилиш асосида муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва олдини олиш йулларини белгилаб бериш;

- тижорат банклари активлар портфелининг сифати ва ишончлилигига баҳо беришнинг рейтинг тизимини ишлаб чиқиш;

- тижорат банклари томонидан мижозларнинг кредитга заруриятини асослаб бериш ва туловга лаёқатлилигини белгилаб берувчи курсаткичларнинг такомиллашган тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

- рискларни бошқариш стратегияси ва тамойилларини ишлаб чиқиш, кредит портфелини бошқаришнинг бир усули сифатида диверсификациянинг иқтисодий моҳиятини асослаш.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати, кредитлаш жараёни, банкларнинг кредит портфели ва рискларни бошқариш усуллари билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий муносабатлар тадқиқотимизнинг асосий предмети бўлиб ҳисобланади.

Муаммоминг урганилганлик даражаси. Умуман кредит портфели, шу жумладан у билан боғлиқ банк рисклари ва уни камайтириш, банклар фаолиятида кредит портфели ва рискларни бошқариш каби муаммоларни тадқиқ қилишга хорижлик олимлар Самуэльсон, Кемпбелл Р.Макконнелл, Стенли Л.Брю ва рус олимлари Базарова Г.В, Красавина Л.И., Лаврушин О.И., Панова Г.С., Сервук В.Т., Усоскин В.М., Ширинская З.Г. кабиларнинг баъзи илмий ишлари ёки укув-услубий материаллари бағишланган. Мазкур тадқиқотларда бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятининг узига хос хусусиятлари, улар фаолиятидаги мавжуд муаммолар, шу жумладан

кредит портфели ва уларнинг моҳияти, турлари билан боғлиқ баъзи муаммоларнинг назарий асослари ёритилган.

Бирок, уларнинг илмий тадқиқот ишларида банкнинг кредитлаш жараёни бевосита кредитлар портфели ва кредит рисклари билан боғлиқ ҳолда қуриб чиқилмаган. Уларда маҳаллий иқтисодиётнинг хусусиятларини инобатга олинган ҳолда тадқиқот олиб борилган. Бу хусусиятлар Ўзбекистонда янгидан ташкил топган банк тизимида мавжуд бўлган муаммолар, хусусан тижорат банклари фаолияти билан кредит портфели ва рисклар табиатини ҳама вақт ҳам узида акс эттира олмайди. Кредит портфелининг иқтисодий моҳияти айрим мулоҳазаларни мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлари Абдуллаев Ш, Зайналов Ж.Р, Очилов М.Ф., Кодиров А.К., Коралиев Т.М., Гозибеков Д.Г. ва бошқаларнинг илмий изланишларида учратиш мумкин.

Бирок, кредит портфелини диверсификация қилиш масалаларига бағишланган махсус илмий тадқиқотлар утказилмаган.

Уларда кредит портфели тахлили ва уни диверсификация қилиш, рискларни камайтирган ҳолда банк хавфсизлигини таъминлаш масалалари тула ёритилмаган.

Ушбу муаммоларнинг етарли даражада урганилмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини билдирибгина қолмай, унинг мақсади ва асосий вазифаларини тугри аниқлашга ҳам имкон берди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси. Илмий изланишнинг назарий асосини иқтисодий жараёнлар билан, хусусан банк фаолияти, кредит, пул муомаласи ва бошқа иқтисодий муаммоларга тегишли бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг илмий асарлари ва қатор фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва йуриқномалари, шунингдек хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи-олимларнинг банklar тизими, тижорат банклари

фаолияти ва унинг натижалари билан боғлиқ муаммоларни ақс эттирувчи илмий асарлари ташкил қилади. Ишни тайёрлашда илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг мантикий ва қиёсий таҳлили, рақамларни гуруҳлаш асосида маълумотни қайта ишлашнинг статистик ва математик усули, молиявий курсаткичларни ҳисоблаш, математик қутиш, тизимли баҳолаш услубларига таянилди. Ишни ёзишда илгор хорижий давлатларнинг банк амалиётида мавжуд тажрибалардан, Ўзбекистон Республикаси макроиктисодиёт ва статистика, Молия вазирликлари, Микрокредитбанк ҳамда тижорат банкларининг материалларидан фойдаланилган. Улар ишнинг ахборот базаси бўлиб ҳисобланади.

Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, унда банклар фаолияти билан боғлиқ кредит портфелини моҳияти ва сифат жиҳатдан урганишга асосланган рейтинг тизими ишлаб чиқилган, рискларни ва муаммоли кредитларни қамайтириш ва банк даромадларини қупайтириш соҳасида қатор тақлифлар ишлаб чиқилган.

Химояга тақдим қилинаётган ушбу илмий тадқиқотнинг аниқ илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- илк бор назарий жиҳатдан, бозор муносабатларининг объекти сифатида тижорат банклари фаолиятининг хусусиятлари ва таъйинлари илмий нуқтаи назардан асослаб берилган.
- кредит портфелининг иқтисодий моҳиятига илмий асосланган таъриф берилган ва унинг банк сиёсати, пул сиёсати, депозит, фойиз сиёсати қаби категориялардан фарқли томонлари, узига хос хусусиятлари ва меъзонлари очиқ берилган. Шу асосда банк фаолиятида юзага келувчи кредит портфели билан боғлиқ рискларнинг олдини олишда кредит сиёсатининг урни ва унинг зарурлиги асослаб берилган, тижорат банклари учун кредит сиёсати ишлаб чиқилган ва уни қуллаш услуби тавсия қилинган;

- банк тизимида кредит портфели уларнинг банк фаолиятига таъсир даражасини аниқлаш мақсадида умумий рисклар ва банк рискларининг таснифи ишлаб чиқилган, ҳамда уларнинг турлари бўйича киёсий таърифлар берилган;
- илк бор киёсий урганиш асосида «кредит портфели»нинг иқтисодий моҳияти очиқ берилган ва кредит портфелини таҳлил қилиш асосида муаммоли кредитларни аниқлаб, уларнинг олдини олиш йуллари бўйича таклифлар берилган;
- активлар портфелининг сифатини баҳолашнинг рейтинг услуги ишлаб чиқилган ва амалий материаллар асосида тижорат банкларининг рейтинги аниқланган;
- банк рискин камайтиришда мижозларнинг кредитга лаёқатлилиқ курсаткичларини аниқлаш, уларнинг муҳимлигига асосланиб, ҳозирги амалиётда қулланилаётган курсаткичлардан фарқли уларок рискларнинг олдини олиш мумкин бўлган курсаткичлар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертацияда илмий асосланган таклифлар, хулоса ва тавсиялар яхлит самара келтиришга қаратилган бўлиб, уларни банклар амалиётида қуллаш, илмий - тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш, кредит портфелининг даромадлилигини ошириш, тижорат банкларининг кредит сиёсатини тузиш ва амалга ошириш, тижорат банкларининг кредит портфелининг сифатини таҳлил қилиш, банклар томонидан бериладиган кредитларнинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий қуланмалар ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Асосий натижаларни синовдан утказиш ва татбиқ этиш. Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтида утказилган конференцияларда синовдан утган ва мақуullanган.

Кредит сиёсати ва кредитлаш жараёнини такомиллаштириш орқали банк рискларини камайтириш юзасидан таклифлар «Ўзбекистон

Республикаси банк-молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жахон молия бозорига интеграциясининг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро илмий амалий анжуманларнинг якуний тавсияларида уз ифодасини топган, «Банк тизимини ислох қилиш республика комиссияси» таркибида фаолият курсатиш давомида муаллифнинг катор таклифлари банк амалиётида куллаш учун қабул қилинган.

Муаллиф томонидан кредит сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлари ва миқознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг комплекс курсаткичлар тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклар фаолиятида куллаш учун тавсия этилган. Муаммоли кредитларни уз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишловчи бўлимлар очиш тугрисидаги таклиф тижорат банклари томонидан ижобий баҳоланган, тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш соҳасида келтирилган таклифлар эса тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш жараёнини жорий қилишда амалиётга тадбиқ қилинган.

Нашр қилиниши. Диссертациянинг асосий гояси, унда олға сурилган назарий фикр-мулоҳазалар, амалий тавсиялар умумий ҳажми 99-бетда баён этилган.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, бешта бўб, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг умумий ҳажми 99-бетдан иборат

2. Тадқиқотнинг асосий натижалари. Диссертацияда муаллиф томонидан тавсия этилаётган қуйидаги илмий ишланмалар ҳимояга олиб чиқилади:

2.1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш тамойилларига асосланиб, уларнинг барқарорлигини таъминлашга пойдевор яратувчи кредит сиёсатини ишлаб чиқишнинг назарий меъзонлари;

2.2. Банк рискларининг юзага келиш сабаблари ва характери, банк операциялари буйича намоён булиш шакллари, таъсир қилиш вақти, даражаси ва кулами, ҳамда бошқариш имкониятларига асосланган илмий тасвифи.

2.3. Банкнинг уз капиталига тугри келувчи фоиз ставкаси, умумий ва қушмча харажатларни, кредитларнинг рисклилик даражасини ҳисоблашга асосланган ҳолда кредитнинг баҳосини аниқлашнинг илмий ёндашилган усуби.

2.4. Тижорат банклари кредит портфелининг рисклилик даражасини баҳоловчи мезонлари асосида ишлаб чиқилган таснифи ва унинг сифатини баҳолашнинг рейтинг усули.

2.5. Юзага келиш сабабларига қараб муаммоли кредитларнинг олдини олишнинг илмий асосланган йуллари.

2.6. Банк операцияларида юзага келувчи рискларнинг таъсир қилиш даражасига қараб уларни бошқариш стратегияси ва рискни камайтиришга имконият яратувчи йуналишлар буйича кредит портфелини диверсификациялашнинг илмий асосланган усули.

Магистрлик диссертацияси кириш, мундарижа, IV-боб, бўлим, жадваллар, диаграммалар, чизмалар, формулалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг асосий мазмуни. Республикамиз тижорат банкларининг кредит портфели сифатини ошириш борасида муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди. Тижорат банкларининг кредит портфелини ташкил қилиш кредитлашни ташкил қилиш тамойилларига асосланган бўлмоғи лозим. Кредитнинг

муддатлилиги, унинг уз вақтида кайтарилиши ва туловлилиги кредит портфелининг баркарорлигини на сифатлилигини таъминлашга асос булиши мумкин.

Тижорат банклари ўзининг иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос фаолияти билан бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми сифатида юзага келди. Тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, иқтисодиётнинг ҳеч бир субъекти йўқки, у бугун банк хизматидан фойдаланилмаётган бўлсин.

Бундан ташқари банклар ўз миқозларига молиявий брокер сифатида ҳам хизмат кўрсатмоқда. Банкларнинг бундай функцияни бажаришлари корхона ташкилотларнинг қимматли қоғозлар бозори операцияларида қатнашишлари учун қулай шароит яратмоқда.

Тижорат банкларининг кредитлари банк фаолиятида асосий ўрин тутган операциялардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунида банк терминиға тушунтириш берилганда, бу ташкилот учта операцияни албатта амалға ошириши кераклиғига урғу берилган бўлиб, булардан бири кредит бериш операциясидир. Жаҳон банк фаолиятида банк терминиға молиявий универмаг деган тушунча берилганиға қарамай кредит операциялари барча банклар фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган. Бир томондан банк кредити иқтисодий субъектлар учун зарурий ҳолларда вақтинча юзаға келган молиявий қийинчиликларни ечишда ёрдам берувчи муҳим манба ҳисобланса, иккинчи томондан эса банклар олиб бораётган жараёнлари ичида энг кўп фойда берувчи жараёндир.

Маълумки, кредит портфелининг моҳиятини ва уни шакллантириш жараёнини тубдан англаш учун, биз аввал кредитнинг моҳиятини, у билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиб чиқишимиз зарур.

Кредит ва умуман кредитлаш механизми борасидаги муаммолар жаҳоннинг етакчи олимлари, иқтисодчилари ва тадқиқотчилари томонидан

ўрганиб чиқилган ва улар томонидан кредитлаш жараёнига турлича фикрлар билдирилган.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини баҳолаш ва ундаги мавжуд боғланишларни аниқлаш учун кредитнинг моҳиятини билиш етарли эмас. Банклар томонидан амалга оширилаётган кредитлаш жараёни юзасидан барча маълумотларни ўзида мужассам қилган кредит портфелининг шакллантириш ва бошқариш жараёнларини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Россиялик олим Е.В.Тихомировнинг ўтказган тадқиқотларига кўра кредит қўйилмалари ҳажмининг ошиши натижасида кредит портфелининг сифати сақланиб қолади. Тармоқлар бўйича кредитлашнинг кўлами мамлакат иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлиши таъкидлаб ўтилган.¹

В.В.Евсюков, А.А.Кочетыгов ва Д.Н.Трутнев россиялик олимлари банк кредит портфелини шакллантиришнинг комплекс ёндошуви юзасидан тадқиқот олиб борганлар. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда кредит тақдим қилиш бўйича қарорлар қабул қилишда ёрдам берувчи қарздорнинг кредит рискин, бозор ва банк ликвидлиги рискларини комплекс таҳлил қилиш методикаси келтирилган. Бу олимлар, ҳозирги кунда кредитлашда қарз олувчининг кредитга лаёқатлигини баҳолаш механизми назарий-методологик жихатидан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, математик аппаратнинг сустр қўлланилиши, экспертларнинг субъектив хулосаларига асосланиб қолиш, қарздорнинг рейтинг кўрсаткичларидан иқтисодий асослантирилмаган ҳолда кредит ҳажмининг лимитини белгилаш таъкидлаб ўтганлар.

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги уларнинг ресурсларини тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шунини таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредит портфелини ташкил қилиш, бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Бозор

¹ Тихомиров Е.В. /Деньги и кредит/ -М. 2003. №9 с.39-46.

иқтисодиёти кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг кредит сиёсати, уларнинг кредит портфели ва унинг сифати, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш кредит рискларини камайтиришнинг омили ва тижорат банкларининг самарали фаолиятининг гаровидир.

Банкларнинг кредит портфели, унинг ҳолати тўғрисида бирон фикр билдиришдан олдин, дастлаб кредит портфелининг иқтисодий моҳиятини тушуниб олишимиз лозим. Банкларнинг кредит портфели тўғрисидаги тушунча бизнинг амалиётимизга ва иқтисодий тушунчаларимиз сафига яқинда келиб қўшилган тушунчалардан ҳисобланади. Баъзи хорижий давлатлар иқтисодчилари томонидан юқоридаги мавзунинг баъзи томонларини очиб берувчи илмий ишлар чоп этилганлигини инобатга олмаса, Ўзбекистон иқтисодчилари ўртасида банкларнинг кредит портфели, унинг моҳияти, таркиби, унинг сифати бўйича таҳлили соҳасида илмий ишлар ўтказилиб, чоп қилинган эмас. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва уни ташкил қилиш масалалари жуда долзарб ва баҳслашувни талаб қилувчи масалалардан бири ҳисобланади. Берилган кредитларнинг ўз вақтида банкларга қайтарилиши кредитлаш жараёнининг қай даражада ташкил қилинишига, кредит бериш ва қайтарилишининг муддатларига риоя қилинишига, кредитлар, айниқса муддати ўтган ёки узайтирилган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг тўғри олиб борилишига, кредитлар бўйича зарарларни қоплаш резерви миқдорига, банклараро кредит ва марказлаштирилган кредитлар бўйича операцияларнинг қонунийлигига ва

кредитларни тўғри туркумлаш бўйича банкларда ўтказиладиган аналитик операцияларнинг сифатлилиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялар уларнинг кредит портфелида ўз ифодасини топиши ва ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкин.

Тижорат банклари кредит портфелининг моҳияти тўғрисида келтирилган таърифлар моҳияти жиҳатдан хилма хил бўлиб, улар банкларнинг кредит портфели, унинг иқтисодий моҳияти, таркиби, қиёсий таърифи тўғрисида барча томонидан маъқулланган аниқ бир фикрни ифода қилмайди. Масалан, америкалик иқтисодчилар Крис Ж. Барлтроп, Диана Мак Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади, деб таърифлашса, бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар кредит портфелини банкнинг актив операцияларининг йиғиндиси сифатида таърифлайдилар.

К.Ж. Барлтроп ва Д. Мак Нотон томонидан берилган таъриф банк кредит портфелининг фаўат бир қисминигина ифодалайди. Худди шунга ўхшаш таъриф бир гуруҳ рус иқтисодчилари томонидан келтирилиб, улар «...тижорат банкларининг кредит портфели-бу кредитларни маълум белгилар бўйича туркумлашдир»², деган фикрни олдинга сурадилар. Бу келтирилган таърифларни кредит портфелига берилган тўлиқ таъриф, деб хулоса қила олмаймиз. Чунки туркумлаш жараёни иккиламчи бўлиб, уни амалга ошириш учун банк аввалом бор кредит портфелига эга бўлиши лозим. Кредитларни туркумлаш бизнинг фикримизча, кредит портфелининг сифатига баҳо бериш учун зарур.

Кредит портфелига банкларнинг актив операцияларининг йиғиндиси деб қараш ҳам бизнинг фикримизча тўғри эмас. Банкларнинг актив операциялари деб банкларнинг ўз капитали ва жалб қилган маблағларини даромад олиш мақсадида жойлаштириш билан боғлиқ бўлган барча операцияларга айтилади.

² Банковская система. Кредитный процесс коммерческого банка. М: ДЕКА 1995, с. 32.

Банкларнинг актив операцияларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

хўжалик субъектларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган кредит операциялари;

банкларнинг инвестицион операциялари;

мижозларга касса ва ҳисоб операциялари;

зарур инфраструктурани ташкил қилиш билан боғлиқ бошқа актив операциялари;

Банклар амалиётида актив операциялар таркибида кредит операциялари асосий ўринни эгаллайди. Аммо бу деган сўз, барча актив операциялар банкнинг кредит портфелини ташкил қилади деган сўз эмас.

Бир гуруҳ рус иқтисодчиларнинг фикрича тижорат банкларининг кредит портфели – бу кредитларнинг сифат ва таркиби бўйича туркумланишидир. Бу таърифда, бизнинг фикримизча, кредит портфелининг моҳиятини очиб беришга ижобий ёндашилган. Ижобийлик шундаки, улар кредитларнинг сифат таркибига қараб, маълум омилларни ҳисобга олган ҳолда туркумлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Кредит портфелининг сифат бўйича тавсифи кредитларнинг қайтарилиши ва кредит рискининг қисқартирилишини банк томонидан таъминланишини баҳолашда қўлланилади.

Кредитларнинг белгиланган муддатда қайтарилиши қуйидаги қатор сабабларга боғлиқ:

- алоҳида олинган банкларда кредит бериш жараёнининг ташкил қилиниш даражаси;
- ссудалар берилиши ва қайтарилиши тартибига амал қилиниш даражаси;
- ссудалар ва айниқса, муддати узайтирилган ва муддати ўтган ссудаларни ҳисобга олиш жараёнининг тўғри акс эттирилиши;
- ссудаларнинг тўғри таснифланиши;

- судалар бўйича эҳтимолий йуқотишларга ажратилган захиралар миқдори ва бошқалар.

Кредит портфелининг моҳиятига юқорида келтирилган таърифнинг ижобий томонлари билан биргаликда россиялик етакчи олимлар келтирган таърифда кредит портфелини ўрганиш ва таҳлил қилишга ундовчи асосий омил - кредит рисклар ва уларнинг даражасини инобатга олиш зарурлигини эътибордан четда қолдирганлар. Бизнинг фикримизча, кредит портфелининг моҳиятини очиб беришда қуйидаги омилларни инобатга олиш зарур. Булар:

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитдан фойдаланиш муддати;
- кредитнинг ҳажми ва таъминланганлиги;
- мижознинг молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар.

Шуларни инобатга олган ҳолда бизнинг фикримизча, кредит портфелига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Банкларнинг кредит портфели - бу турли хил кредит рискларга асосланган муаъян меъзонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

Мазкур таъриф кредит портфелининг моҳиятини тўғри тушуниш ва таҳлил қилишга ёрдам беради. Чунки унда:

- берилган кредитлар бўйича рисклилиқ даражасини ифодаловчи меъзонлар;
- банкнинг барча берган кредитлари бўйича талаблари йиғиндисини ҳисобга олиш зарулиги;
- кредитларнинг асосий меъзонлари бўйича уларни туркумлаш лозимлиги ва бошқалар ўз аксини топган.

Кредит портфели фақат нормал кредитларни эмас, балки муддати ўтган кредитларни ҳам ўз ичига олади. Бу омилларни эътиборга олиш тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантиришда, уларнинг фаолиятини тўғри ташкил қилишда катта аҳамиятга эга. Кредит рискларининг даражаси

хорижий банклар ва бизнинг банкларимиз амалиётида ҳам банкларнинг кредит портфелини ифодаловчи меъзонлардан асосийси ҳисоб-ланади. Айнан шу кўрсаткичнинг даражасига қараб, кредит портфелининг сифати аниқланади. Банкларнинг кредит портфелини баҳолаш ва таҳлил қилиш банк мененжерларига ссуда операцияларини самарали бошқаришга имкон беради.

Банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишнинг асосий мақсади банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегиясини ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш соҳасида чоралар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун банк берилган кредитларнинг белгиланган лимитларга мос келиши, кредит ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, кредит рискларни камайтириш ва кредитларнинг сифатини яхшилаш каби кўрсаткичларнинг ҳақиқий ҳолатини текшириб бориши зарур.

Тижорат банкларининг кредит портфелини ташкил қилиш кредитлашни ташкил қилиш тамойилларига асосланган бўлмоғи лозим. Кредитнинг муддатлилиги, унинг ўз вақтида қайтарилиши ва тўловлилиги кредит портфелининг барқарорлигини ва сифатлилигини таъминлашга асос бўлиши мумкин.

Кредит портфелининг сифатини доимий равишда назорат қилиш тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш гаровидир. Уларнинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит рискларини камайтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шуни қайд қилиш лозимки, банкларнинг молиявий ҳисоботлари ва бошқа қўшимча маълумотлари улардаги активлар сифатининг реал ҳолатини, шунингдек кредит портфели бўйича мавжуд муаммоларнинг банк даромадига таъсирини акс эттириши лозим. Бундай маълумотларнинг йўқлиги нафақат банк акциядорлари ёки Марказий банк ва бошқа манфаатдор томонларни чалғитиб қўймасдан, балки банкнинг ўзига ҳам рискларни бошқариш жараёнида зарар етказиши мумкин. Банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар кўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкин.

Муаммоли кредитлар банклардаги рискларни минимал даражага етказишга тўсиқ бўлиб туради. Кредит портфели сифати ҳаёида объектив маълумотларнинг йўқлиги банк раҳбарияти томонидан банкнинг кредит сиёсатига зарур ўзгартиришлар киритилишига ҳам ҳалақит беради.

Банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишда:

- кредит рисклари даражасини инобатга олган ҳолда кредитларнинг сифатини баҳолаш меъзонларини танлаш;
- улар асосида кредитнинг сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, ссудаларнинг асосий гуруҳларини уларнинг фоиз ставкалари асосида аниқлаш;
- кредитларни тавсифлаш (туркумлаш);
- ҳар бир кредит гуруҳи бўйича риск фоизи даражасини аниқлаш;
- ҳар бир кредит ва банк бўйича кредит рискнинг абсолют суммасини аниқлаш;
- тегишли маълумотлар асосида кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун етарли резерв суммасини аниқлаш;
- коэффицентлар бўйича кредит портфелининг сифатига баҳо бериш;
- кредит портфелининг таркибини яхшилаш бўйича тадбир-чоралар ишлаб чиқиш зарур.

Кредит портфелини ташкил қилишда кредитнинг асосий тамойиллари – мақсадлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлиқ, тўловлилиқ ва қайтариб бериш кабиларга мукамал риоя қилиш лозим. Кредитлаш тамойилларининг бузилиши тижорат банкининг кредит портфелининг сифатининг тушиб кетишига олиб келади.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг кредит портфели турли хил кредит рискларга асосланган, муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси бўлиб, уни самарали бошқариш кредит рискларини ва умуман олганда банк рискларини

камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини самарали ташкил қилиш ва унинг сифатини таҳлил қилиш банклар фаолиятини олиб боришда муҳим ўрин эгаллайди.

Кредит портфелини бошқаришда алоҳида олинган ссудаларнинг сифатини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш асосий ўринни эгаллайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий мамлакатларда кредит муносабатларини ривожланиши берилган кредитлар сифатини баҳолаш меъзонларининг кенгайишига олиб келди. Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларнинг сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортиқ йўналишлари мавжуд. Кредитнинг сифатини баҳолаш кредитнинг мақсади, уни тўлаш усули, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги даражаси, унинг қайси тармоққа таълуқли эканлиги ва мулк шакли, миқдорнинг банк билан муносабатининг характери, банкнинг миқдор тўғрисида тўлиқ ахборотга эга эканлиги ва унинг етарлилиги даражаси, ссудаларнинг таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа меъзонлар киради.

Россияда кредитлар сифатини баҳолаш кўрсаткичлари чекланган бўлиб, ҳозирги кунда Россия марказий банки йўриқномасига биноан бу соҳада иккита меъзон қўлланилади. Булар ссудани қайтаришни таъминлаш даражаси ва олдиндан берилган ссудаларни тўлашнинг ҳақиқий ҳолати ҳисобланади.

Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда 1996 йил июлидан бошлаб Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йуқотишлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоўда. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига асосан активларни тавсифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда.

Бу меъёрий ҳужжатга асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлиги даражасини, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлигини кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тулай олиш ўобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқимининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Кредитларни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини қуйидаги мезонлар орқали баҳолашдан бошланиши керак:

- миқдорнинг тўловлари тарихи;
- тармоқнинг келажак ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- корхонанинг умумий ҳолати;
- кредитланадиган лойиҳанинг ҳолати ва самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- корхонада бошқарув ва раҳбарлик сифати;
- корхонанинг ривожланиш режаси, стратегияси ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатнинг қарорларига асосан устивор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада берилади. Қайта молиялаштириш ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар миқдор кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютада ёки хорижий давлат валютасида берилиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида юқорида келтирилган риск турларининг барчаси учраб туради, лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ таъсир қиладиган рисклар кредит рисқи, ликвидлилиги рисқи ва фоиз ставкаси рисқи ҳисобланади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 9 ноябрь 1998 йилда тасдиқланган №242-сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан резервлар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қоида»га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали», «умидсиз» ёки «ишончсиз» кредитларга таснифланади.

Тижорат банкининг кредит портфелининг сифат даражаси банк томонидан бериладиган кредитнинг таъминланганлигига боғлиқ. Бу таъминланганликнинг бўлиши берилган кредит бўйича рискнинг юқори ёки паст бўлишини белгилаб беради.

Агар берилган кредит муаммоли таъминотга эга бўлса ва ушбу таъминотнинг қиймати қайтарилмаган қарз миқдоридан кам бўлса, бу ҳолда ушбу кредит шубҳали ёки ишончсиз деб таснифланади.

Шубҳали ёки ишончсиз деб таснифланган муаммоли кредит таъминотга эга бўлмаса, лекин баъзи бир аниқ омиллар асосида яқин келажакда қисман қопланиш эҳтимоли бўлса, у ҳолда бундай ссуда юқорида айтиб ўтилган қопланиш эҳтимоли бўлган қийматга тенг бўлган тўланмаган қарз миқдоридан шубҳали деб, қарзнинг қолган қисми эса ишончсиз деб таснифланади.

Тижорат банкларининг кредит портфелининг ҳар томонлама таҳлил ўилиш уларнинг сифатини яхшилаш, юзага келиш мумкин бўлган рискларнинг олдини олиш ва банкнинг келгуси йилдаги кредит сиёсатини ишлаб чиқишда жуда муҳим ўрин тутди.

Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит портфелининг сифат даражасини таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнига катта эътибор берилмоқда. Чунки кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкнинг самарали фаолиятини амалга оширишнинг, унинг кредит инвестиция сиёсатини олиб боришининг асоси

ҳисобланади. Мавжуд ресурсларни сифатли ва даромад келтирадиган қилиб, жойлаштириш банкларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

I БОБ. Тижорат банклари фаолиятини ташқил этиш асослари ва уларнинг кредит портфелларининг иктисодий аҳамияти.

1.1. Тижорат банкларининг кредит портфелининг моҳияти.

Банкларнинг кредит портфели, унинг ҳолати тугрисида бирон фикр билдиришдан олдин, дастлаб кредит портфелининг иктисодий моҳиятини тушуниб олишимиз лозим. Банкларнинг кредит портфели тугрисидаги тушунча бизнинг амалиётимизга ва иктисодий тушунчаларимиз сафига яқинда келиб қушилган тушунчалардан ҳисобланади. Ўзбекистан иктисодчилари уртасида банкларнинг кредит портфели, унинг моҳияти, таркиби, унинг сифати бўйича таҳлили соҳасида илмий ишлар утказилиб, чоп қилинган эмас. Хорижий давлатлар иктисодчилари томонидан юқоридаги мавзунинг баъзи томонларини очиб берувчи илмий ишлар чоп этилган. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва уни ташқил қилиш масалалари жуда долзарб ва баҳслашувни талаб қилувчи масалалардан бири ҳисобланади. Берилган кредитларнинг уз вақтида банкларга қайтарилиши кредитлаш жараёнининг қай даражада ташқил қилинишига, кредит бериш ва қайтарилишининг муддатларига риоя қилинишига, ссудалар, айниқса муддати утган ёки узайтирилган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг тугри олиб борилишига, ссудалар бўйича зарарларни коплаш захираи миқдорига, банклараро кредит на марказлаштирилган кредитлар бўйича операцияларнинг қонунийлигига ва кредитларни тугри туркумлаш бўйича банкларда утказиладиган аналитик операцияларнинг сифатлилиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялар уларнинг кредит портфелида уз ифодасини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг уз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкин.

Тижорат банклари кредит портфелининг мохияти тугрисида мукамал илмий ишлар ёзилмаган булсада, баъзи муаллифларнинг тадқиқотларида бу тушунчани ва унинг мохиятига берилган таърифларни учратиш мумкин. Келтирилган таърифлар мохияти жихатдан хилма хил булиб, улар банкларнинг кредит портфели, унинг иктисодий мохияти, таркиби, киёсий таърифи тугрисида барча томонидан маъқулланган аниқ бир фикрни ифода қилмайди. Турли муаллифлар кредит портфелининг мохиятини турлича талкин қилишади. Масалан, америкалик иктисодчилар Крис Ж. Барлтон, Диана Мак Нотой кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни уз ичига олади, деб таърифлашса, бошқа бир гуруҳ иктисодчилар кредит портфелини банкнинг актив операцияларининг йигиндиси сифатида таърифлайдилар.

К.Ж. Барлтроп ва Д. Мак Нотон томонидан берилган таъриф банк кредит портфелининг факат бир қисминигина ифодалайди. Худди шунга ўхшаш таъриф бир гуруҳ рус иктисодчилари томонидан келтирилиб, улар «...тижорат банкларининг кредит портфели-бу кредитларни маълум белгилар бўйича туркумлашдир»², деган фикрни олдинга сурадилар. Бу келтирилган таърифларни кредит портфелига берилган тулик таъриф деб хулоса қила олмаймиз. Чунки туркумлаш жараёни икқиламчи булиб, уни амалга ошириш учун банк аввалом бор кредит портфелига эга булиши лозим. Кредитларни туркумлаш бизнинг фикримизча, кредит портфелининг сифатида баҳо бериш учун зарур.

Кредит портфелига банкларнинг актив операцияларининг йигиндиси деб караш ҳам бизнинг фикримизча тугри эмас. Банкларнинг актив операциялари деб банкларнинг уз капитали ва жалб қилган маблағларини даромад олиш мақсадида жойлаштириш билан боглик булган барча операцияларга айтилади.

Банкларнинг актив операцияларини куйидаги турт гуруҳга булиш мумкин:

³ Банковская система. Кредитный процесс коммерческого банка. М: ДЕКА 1995, с. 32.

- хужалик субъектларини кредитлаш билан боглик булган кредит операциялари;
- банкларнинг инвестицион операциялари;
- миждозларга касса ва хисоб операциялари;
- зарур инфраструктурани ташкил қилиш билан боглик бошка актив операциялари;

Банклар амалиётида актив операциялар таркибида кредит операциялари асосий ўринни эгаллайди. Аммо бу деган суз, барча актив операциялар банкнинг кредит портфелини ташкил қилади деган суз эмас. Бир гуруҳ рус олимларининг «Банковский надзор и аудит» китобида - «Банкларининг кредит портфели узок, муддатли, киска муддатли, вакти утган кредитлар бўйича баланс ракамидаги маблаглар колдигидан ташкил топади» деб таъриф берилган. Бундам таъриф бизнинг фикримизча банк маблагларини хисобга олишни енгиллаштириш, аудит учун ахборот, хисобот материалларини соддалаштириш учун кул келиши мумкин. Аммо бу таъриф банкларнинг кредит портфелига берилган миқдорий таъриф булиб, унинг сифат жихатини узида акс эттира олмайди.

Н.Соколинская «Кредит портфелини киска ва узок муддатли кредитлар йигиндисидан иборат», деб таърифлайди. Бу таърифда асосий эътибор кредитларнинг муддатига каратилган. Гарчи банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар, айникса, кредитлаш жараёнида кредитнинг муддатлилигига эътибор бериш ва унга риоя қилиш кредитлаш жараёнининг асосий тамойилларидан бири хисоблансада, кредитнинг факат муддатига қараб тижорат банкининг кредит портфелига тулик таъриф бериш етарли булмайди. Банк томонидан берилган кредитнинг муддатининг белгилаб қуйилиши ва унга риоя қилиниши кредит портфелининг сифатини аниклашда зарур омил булиши мумкин.

Россиялик олим Е.В.Тихомировнинг ўтказган тадқиқотларига кўра кредит қўйилмалари хажмининг ошиши натижасида кредит портфелининг

сифати сақланиб қолади. Тармоқлар бўйича кредитлашнинг кўлами мамлакат иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлиши таъкидлаб ўтилган.³

Абалкин Л.И., Панова Г.С., Лаврушин О.И. ва бошқа бир гуруҳ иқтисодчиларнинг фикрича тижорат банкларининг кредит портфели — бу кредитларнинг сифат ва таркиби бўйича туркумланишидир. Бу таърифда, бизнинг фикримизча, кредит портфелининг мохиятини очиб беришга ижобий ёндашилган. Ижобийлик шундаки, улар кредитларнинг сифат таркибига қараб, маълум омилларни ҳисобга олган ҳолда туркумлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Кредит портфелининг сифат бўйича тавсифи кредитларнинг қайтарилиши ва кредит рискининг қисқартирилишини банк томонидан таъминланишини баҳолашда қулланилади.

Кредитларнинг белгиланган муддатда қайтарилиши қуйидаги бир қатор сабабларга боғлиқ:

- алохида олинган банкларда кредит бериш жараёнининг ташқил қилиниш даражаси;
- ссудалар берилиши ва қайтарилиши тартибига амал қилиниш даражаси;
- ссудалар ва айникса, муддати узайтирилган ва муддати утган;
- ссудаларни ҳисобга олиш жараёнининг тугри акс эттирилиши;
- ссудаларнинг тугри таснифланиши;
- ссудалар бўйича эҳтимолий йукотишларга ажратилган захиралар миқдори ва бошқалар.

Юқоридаги ижобий томонлари билан биргаликда россиялик етакчи олимлар кредит портфелини урганиш ва таҳлил қилишда ундовчи асосий омил — кредит рисклар ва уларнинг даражасини инобатга олиш зарурлигини эътибордан четда қолдирганлар. Бизнинг фикримизча, кредит портфелининг мохиятини очиб беришда қуйидаги омилларни инобатга олиш зарур. Булар:

³ Тихомиров Е.В. /Деньги и кредит/ -М. 2003. №9 с.39-46.

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитдан фойдаланиш муддати;
- кредитнинг хажми ва таъминланганлиги;
- миқдорнинг молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар.

Шуларни инобатга олган ҳолда бизнинг фикримизча, кредит портфелига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларга асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

1.2 Тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантириш мезонлари

Кредит портфелининг моҳиятини тугри тушуниш на таҳлил қилишда қуйидаги мезонларни эътиборга олиш муҳимдир, яъни:

- берилган кредитлар бўйича рисклилиқ даражасини ифодаловчи мезонлар;
- банкнинг барча берган кредитлари бўйича талаблари йиғиндисини ҳисобга олиш зарулиги;
- кредитларнинг асосий мезонлари бўйича туркумлаш лозимлиги ва бошқалар.

Кредит портфели фақат нормал кредитларни эмас, балки муддати утган кредитларни ҳам ўз ичига олади. Бу омилларни эътиборга олиш тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантиришда, уларнинг фаолиятини тугри ташқил қилишда катта аҳамиятга эга. Кредит рискларининг даражаси

хорижий банклар ва бизнинг банкларимиз амалиётида ҳам банкларнинг кредит портфелини ифодаловчи меъзонлардан асосийси хисобланади. Айнан шу курсаткичнинг даражасига қараб, кредит портфелининг сифати аникланади. Банкларнинг кредит портфелини баҳолаш ва таҳлил қилиш банк менежерларига ссуда операцияларини самарали бошқаришга имкон беради.

1 - Жадвал маълумотлари шуни курсатадики, банкнинг даромад келтирувчи активларининг 51,6% (Ишлаб чиқаришқурилишбанк)дан 99,2% гача (Кишлоқ Қурилиш банки) қисми миқозларга бериладиган кредитларни ташкил қилади. Шу сабабли банк рискинни камайтиришда уларнинг кредит портфелини тугри ташкил қилиш улар берган кредитларнинг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишнинг асосий мақсади банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегиясини ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш соҳасида чоралар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун банк берилган кредитларнинг белгиланган лимитларга мос келиши, кредит ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, кредит рискларни камайтириш ва кредитларнинг сифатини яхшилаш каби курсаткичларнинг ҳақиқий ҳолатини текшириб бориши зарур.

Тижорат банкларининг кредит портфелини ташкил қилиш кредитлашни ташкил қилиш тамойилларига асосланган бўлмоғи лозим. Кредитнинг муддатлилиги, унинг уз вақтида қайтарилиши ва туловлилиги кредит портфелининг барқарорлигини на сифатлилигини таъминлашга асос бўлиши мумкин.

Кредит портфелининг сифатини доимий равишда назорат қилиш тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш гаровидир. Уларнинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит рискларини камайтиришнинг асосий омилларидан хисобланади. Шуни қайд қилиш лозимки, банкларнинг молиявий ҳисоботлари ва бошқа қўшимча маълумотлари улардаги активлар сифатининг реал ҳолатини, шунингдек кредит портфели бўйича мавжуд муаммоларнинг банк даромадига таъсирини

акс эттириши лозим. Бундай маълумотларнинг йуклиги нафакат банк акциядорлари еки Марказий банк ва бошка манфаатдор томонларни чалгитиб қуймасдан, балки банкнинг узига ҳам рискларни бошқариш жараёнида зарар етказиши мумкин. Банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тугрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар қўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкин. Муаммоли кредитлар банклардаги рискларни минимал даражага етказишга тусик бўлиб туради. Кредит портфели сифати ҳақида объектив маълумотларнинг йуклиги банк раҳбарияти томонидан банкнинг кредит сиёсатига зарур узгартиришлар киритилишига ҳам ҳалакит беради.

Банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишда:

- кредит рисклири даражасини инобатга олган ҳолда кредитларнинг сифатини баҳолаш меъзонларини танлаш;
- ва улар асосида кредитнинг сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, ссудаларнинг асосий гуруҳларини, уларнинг фоиз ставкалар асосида аниклаш;
- кредитларни тавсифлаш (туркумлаш);
- ҳар бир кредит гуруҳи бўйича риск фоизи даражасини аниклаш;
- ҳар бир кредит ва банк бўйича кредит рискининг абсолют суммасини аниклаш;
- тегишли маълумотлар асосида кредитлар бўйича зарарларни коплаш учун етарли захира суммасини аниклаш;
- коэффициентлар бўйича кредит портфелининг сифатига баҳо бериш;
- кредит портфелининг таркибини яхшилаш бўйича тадбир – чоралар ишлаб чиқиш зарур.

1 - жадвал

Самарканд вилоят тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озик-овкат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тулдиришга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги 2009 йил 26 майдаги ПК-1047-сонли Қарорига асосан ажратилган кредитлар тугрисида 2014 йил

Т/р	Филиал номи	Банк томонидан жами йил бошидан ажратилган кредитлар миқдори	Шундан,	2014 йил 01 апрел ҳолатига банкнинг умумий кредит портфели бўйича қолдик	Шундан,	1047-сонли Қарорга асосан ажратилган кредитлар бўйича қолдикнинг банкнинг умумий кредит портфели қолдигига нисбати
			Жами йил бошидан 1047-сонли Қарорига асосан ажратилган кредитлар		2013 йил 1 апрел ҳолатига 1047-сонли Қарорга асосан ажратилган кредитлар бўйича қолдик	
	Жами	10 482,2	1 076,5	25 226	3 964	16%
1	Самарканд шаҳар бўлими	1 762	181	8 149	1 548	19%
2	Каттакургон бўлими	1 650	169	1 089	294	27%
3	Жума бўлими	1 096	113	2 148	301	14%
4	Лойиш бўлими	1 071	110	1 684	202	12%
5	Октош бўлими	1 258	129	4 674	327	7%
6	Зиёвуддин бўлими	1 027	105	1 436	158	11%
7	Ургут бўлими	1 355	139	2 209	596	27%
8	Булунгур бўлими	1 263	130	3 837	537	14%

Шундай қилиб, тижорат банкларининг кредит портфели турли хил кредит рискларга асосланган, муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар микёсидаги банк талабларининг йигиндиси булиб, уни самарали бошқариш кредит рискларини ва умуман олганда банк рискларини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини самарали ташқил қилиш па унинг сифатини таҳлил қилиш банклар фаолиятини олиб боришда муҳим ўрин эгаллайди.

1.3 Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш ва баҳолаш меъёрлари

Кредит портфелини бошқариш да асосий ўринни алоҳида олинган ссудаларнинг сифатини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш асосий ўринни эгаллайди.

Бозор иқтисоди шароитида хорижий мамлакатларда кредит муносабатларини ривожланиши берилган кредитлар сифатини баҳолаш мезонларининг кенгайишига олиб келди. Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларнинг сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортиқ йуналишлари мавжуд. Кредитнинг сифатини баҳолаш, кредитнинг мақсади, уни тулаш усули, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси, унинг қайси тармоққа таълуқли эканлиги ва мулк шакли, миқдорнинг банк билан муносабатининг характери, банкнинг миқдор тугрисида тулиқ ахборотга эга эканлиги ва унинг етарлилиги даражаси, ссудаларнинг таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа мезонлар киради.

Россияда кредитлар сифатини баҳолаш курсаткичлари чекланган булиб, ҳозирги кунда Россия марказий банки йуриқномасига биноан бу соҳада иккита меъзон қулланилади. Булар ссудани қайтаришни таъминлаш даражаси ва олдиндан берилган ссудаларни тулашнинг ҳақиқий ҳолати ҳисобланади. Халқаро банк амалиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида кредитларнинг ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан салмоғининг ўсиб бориш тенденцияси қузатилмоқда. Масалан, Ғарбий Европа мамлакатларида бу

кўрсаткичнинг ўртача даражаси 42 фоизни, Японияда 64 фоизни, Россияда 17 фоизни ташқил этган⁴.

Банк активларининг сифатини аниклашга уларнинг кредит портфелини урнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш оркали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда 1996 йил июлидан бошлаб Марказий банк тасдиқлаган курсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йукотишлар бўйича захираларни ташқил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистан Республикасининг «Марказий банки тугрисида»ги ва «Банklar ва банк фаолияти тугрисида»ги Қонунига асосан активларни тавсифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича захираларни ташқил қилиш амалга оширилмоқда.

Бу меъёрий ҳужжатга асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқознинг кредитга лаёқатлилиқ қўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имқонияти, кредитнинг таъминланганлиқ даражасини, кредитни тулаш муддатидан неча кун утганлигини қабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тулай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқимининг ҳолатини баҳолашдан иборат. **Кредитларни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини қуйидаги мезонлар орқали баҳолашдан бошланиши керак:**

- миқознинг туловлари тарихи;
- тармокнинг келажаги ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- қорхонанинг умумий ҳолати;
- кредитланадиган лойиҳанинг ҳолати ва самарадорлиги;
- қорхонанинг молиявий ҳолати;

⁴ Кредитование реального сектора экономики. Материалы круглого стола конференции // Банковское дело. – Москва, 2004.- №5 -С.3.

- корхонада бошқарув ва рахбарлик сифати;
- корхонанинг ривожланиш режаси, стратегияси на бошқалар.

Банкларнинг кредит портфелини қуйидаги йуналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Рисклар бўйича;
2. Иктисодиёт тармоқари бўйича;
3. Берилган кредитларнинг қайси мақсадга йуналтирилганлиги бўйича;
4. Фойдаланиш муддати бўйича;
5. Маблагнинг ҳажми бўйича;
6. Таъминланганлик шакли бўйича;
7. Мулкчилик шакли бўйича.

Ундан ташқари манбаларига ва қарз олувчининг минтакавий урни ва манзили бўйича ҳам тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин. Таснифлашни асосан миллий валютада амалга оширилади. Баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва уз маблаглари ҳисобидан бериладиган кредитлар (масалан, Миллий банк ва шунга ухшаш банкларда) қаттиқ валютада ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатнинг қарорларига асосан устивор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада берилади. Қайта молиялаштириш на банкнинг уз маблаглари ҳисобидан бериладиган кредитлар мижоз кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютада ёки хорижий давлат валютасида берилиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида юқорида келтирилган риск турларининг барчаси учраб туради, лекин уларнинг фаолиятига қупрок таъсир қиладиган рисклар кредит rischi, ликвидлилик rischi ва фоиз ставкаси rischi ҳисобланади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар

бериш ва шу асосда фойда олишга йуналтирилган булганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юкори булади.

Таснифланган кредитларнинг хар кайси гурухга кириши даражаси тез сотиладиган активларга юкори ликвид маблагларнинг мавжудлиги билан белгиланиши мухимдир.

II БОБ. Тижорат банклари фаолиятини ташқил этиш асослари ва уларнинг кредит портфелларининг иктисодий моҳияти

2.1 Тижорат банклари фаолиятини бошқариш да юзага келувчи рисклар ва уларни бошқариш тамойиллари

Хар қандай фаолият таракқиётида хусусан, бозор иктисодиёти шароитида банкларнинг роли янада ошиб боради. Тижорат банклари молиявий воситачилар сифатида мавжуд буш пул маблағларини йигиб, уларни тармоқлараро, ҳудудлараро қайта таксимланишида жамиятнинг муҳим иктисодий механизми функциясини бажаради. Шу туфайли тижорат банклари бозор муносабатларининг турли субъектлари билан узвий алоқада бўлади.

Бозор иктисодиёти шароитида юқори рискка асосланиб фаолият курсатувчи банкнинг субъект сифатида бошқа субъектлар фаолиятидан фарк қиладиган қуйидаги асосий хусусиятларини таъкидлаш лозим.

биринчидан, фақат банкларгина узлари учун хос бўлган қарз мажбуриятлари (депозит, омонат сертификатлари ва бошқалар)ни чиқарадилар ва шу йул билан йигилган маблағларни бошқа субъектлар томонидан чиқарилган қимматли қогоз ва бошқа қарз мажбуриятларга жойлаштирадилар. Банк бу жиҳати билан молия бозорида уз қарз мажбуриятини чиқармай фаолият курсатувчи молиявий брокер ва диллерлар фаолиятидан тубдан фарк қилади.

иккинчидан, инвестиция фондлари ва бошқа молия институтлари фаолиятидан фаркли уларок банклар жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиш орқали қатъий белгиланган қарз мажбуриятларини, бинобарин, маълум рискни уз зиммасига оладилар. Инвестиция фондлари эса уз активлари ва пасивларининг қиймати узгариши билан боглиқ бўлган барча рискларни уз акциядорлари зиммасига юклайдилар.

Шуларни назарда тутиб, бизнинг фикримизча банк фаолиятини ташқил қилишда қуйидаги асосий тамойиллар устувор саналиши лозим:

1. Тижорат банкларининг кредит ресурсларини ҳосил қилишда четдан жалб қилинган ресурсларга таяниш.
2. Тижорат банкларининг ҳақиқатда мавжуд маблағлар чегарасида хизмат курсатиш.
3. Банк фаолиятининг тула иқтисодий мустақиллиги.
4. Банклар фаолиятининг тижорат характери ва универсаллашуви.

Келтирилган тамойилларга таяниб тижорат банкларининг нормал фаолиятини таъминлаш мумкин, яъни:

- харажатларини коплаш ва келажакда ушбу фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш учун банкнинг фойдалилиги ва даромадлилигига эришилади;

- банкнинг туловга лаёқатлилиги таъминланади;

- ликвидлилик таъминланади;

Диссертация ишида кредит сиёсатининг иқтисодий моҳияти, уни ишлаб чиқиш меъзонлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Муаллифнинг фикрича кредит сиёсати ва унинг моҳиятини очиқ беришда Ж.КВан Хорн, Н.Брук. Эдвин ДжДолан, О.И.Лаврушин, Косой М., Панова С. каби олимларнинг ҳиссалари катта бўлсада, бу муаммо бўйича алоҳида олинган ва уни чуқур ёритувчи илмий тадқиқотлар етарлича эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирда мавжуд бўлган адабиётларда кредит сиёсати асосан пул сиёсати билан боғланган ҳолда қаралапти. Натижада кредит сиёсатининг туб иқтисодий моҳияти ва вазифалари ноаниқлигича қолиб қолаяпти. Шу боис ҳанузгача кредит сиёсатини ишлаб чиқиш асосларини, унинг меъзонларини белгилаб беришда қўпгина тижорат банкларимиз фаолиятида камчиликлар мавжуд. Банкнинг катта ёки кичиклигидан, унда қанча ёки қўп ҳодим ишлашидан қатъий назар банк бу сиёсатга эга бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича умумий

коида ва тамойилларнинг, шунингдек операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди.

Кредит сиёсатини, пул-кредит сиёсатидан алохида олган ҳолда олиб караш ва уни айнан шу тарзда утказишнинг зарурлиги шундаки, биринчидан, кредит сиёсати бутун мамлакат иктисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир; иккинчидан, унинг кулами бекиёс ва у бутун мамлакат миқёсида асосан давлат банки томонидан утказилади; учинчидан, у узининг объекти ва субъектга, қуйилган мақсад ва қутиладиган натижаларнинг ҳажми бўйича пул сиёсатидан фарқ қилади.

Томонлар уртасида кредит муносабатларининг самарали амалга оширилишига ҳам оқилона кредит сиёсати туфайли эришиш мумкин. Чунки кредит сиёсати кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқариш да банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чора ва услубларни, банкнинг кредит портфелини самарали бошқариш га доир курсатмаларни узида акс эттиради. Хар бир банк узининг кредит сиёсатини мамлакатдаги иктисодий, сиёсий, географик, ташқилий ва бошқа банк фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг ажралмас қисми сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан қузланган мақсадини, тамойилларини ва йуналишларини уз ичига олади. Тактик жихатдан эса бу сиёсат молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларини амалга оширишдаги банкнинг мақсадларига эришиш йуналишларини ва қоидаларини ҳамда кредит жараёнини ташқил этиш тартибларини ишлаб чиқишни қамраб олади.

Юқорида келтирилган ғояларга таяниб кредит сиёсатига таъриф бериш мумкин. Кредит сиёсати - бу кредит рискларини қамайтириш орқали банкнинг ҳавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш борасида олдиндан белгилаб олинган стратегия ва тактикадир.

АҚШ тижорат банкларининг кредит сиёсати қиёсий урганилганда ва улардаги тажрибани инобатга олган ҳолда республика тижорат

банкларининг кредит сиёсати ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг кулашда куллаш мухимдир.

Тижорат банклари уз кредит сиёсатини олиб боришда хозирда мавжуд амаллардан ташкари уз олдида куйидаги мақсадларни куйиши лозим:

- кредит булими ходимларининг индивидуал ваколатини ошириш, рағбатлантириш ва жавобгарликни кучайтириш;
- кредитлашда гаровдан кура кредит субъектига купрок эътибор қилиш;
- кредит рискларини бошқариш булими ва унинг вазифаларини аниқ белгилаш;
- банкнинг кредит портфели умумий суммасининг чекланганлигига эътибор бериш;
- кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш, яъни бир тармоқда турли келувчи кредит миқдорини чегаралаш ва бошқалар.

Бозор иктисодиётининг мухим атрибутларидан бири - иктисодий эркинлик ҳисобланади. Бундай шароитда макро, мезо ва микро даражада фаолият курсатиш турли хил рискларга боглик булади. Риск - бу кенг маънога эга булган куп киррали тушунчадир. Адабиётларда бу тушунчанинг иктисодий моҳиятига турлича талкин берилмоқда. Бизнинг фикримизча «риск» тушучаси «таваккал қилиш» тушунчасига якинрок булиши мумкин. Ленин «риск» Халқаро банк амалиётида кенг кулланиладиган иборадир. Шу нуктаи назардан банк амалиётида «банк rischi», «кредит rischi» тушунчалари кулланилса мақсадга мувофиқ булар эди.

Бизнинг фикримизча риск иктисодий категория сифатида "хавф-хатар", "таваккалчилик", "икқиланиш", "ноаниклик", "мавхумийлик" каби тушунчаларидан фарк қилиб, ижтимоий-иктисодий жараёнларда аниқ, бир ечими булмаган ҳолатнинг сон ва сифат жиҳатдан маълум йукотишлар ёки даромад куриш эҳтимолига айланиши билан боглик булган воқеликни

англатади. Рискга бориш эса маълум самара олиш мақсадида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатдир.

Рискнинг уз холича яғоналиги, мавжудлиги эҳтимолий йукотишлар билан боғлиқ бўлиб, у иқтисодий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар туфайли келиб чиқади. Уни англаш ва тан олиш нафакат йукотишларга, балки аксарият ҳолларда даромад қуришга олиб келиши мумкин. Бошқа томондан эса, риск - бу ноаниқлик ҳам эмас, чунки унинг сон ва сифат каби улчамлари мавжуддир.

Демак, риск карама-қарши табиатга эга бўлган иқтисодий категория бўлиб, бир томондан ижобий ҳал қилинган риск ижтимоий - иқтисодий жараёнларда янги услуб, қарорларни қабул қилишга ундаб ижобий натижага, яъни даромад олишга сабаб бўлса, иккинчи томондан эса салбий ҳал қилинган риск ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг нормал кечишига тусқинлик қилиб, маълум салбий натижаларга, яъни йукотишларга олиб келиши мумкин.

Рискнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у объектив ва субъектив табиатга эгадир. Унинг объективлиги табиий, ижтимоий ва технологик жараёнларнинг турли даражада кечишида, моддий ва гоёвий муносабатларнинг турли-туманлигида уз ифодасини топса, субъективлиги эса у бўйича доимо маълум бир альтернатив субъектив қарорни қабул қилишда, натижасини аниқлашда субъектив ҳисоб-китоблар қилишда уз ифодасини топишидир. Иқтисодий адабиётларда аксарият ҳолларда рискни хавф-хатар деб таъкидлашади. Бизнинг фикримизча риск ва хавф-хатар алоҳида, бир-биридан фарқ қилувчи, айтилишда бир-бирига боғлиқ тушунчалардир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб биз таъкидламоқчимизки, риск ва хавф-хатар бир хил тушунча эмас. Бу хулосамизнинг асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, хавф-хатар рискка нисбатан аксарият ҳолларда бирламчидир (албатта, баъзи ҳолларда бирламчи хавф-хатардан кейин яна

икқиламчи хавф-хатар ҳам юзага келиши мумкин. Лекин бу кам холларда хисобсиз - «кур» рискларда учраши мумкин);

иккинчидан, хавф-хатар даражаси паст булган холлардагина риск қилинади;

учинчидан, хавф-хатар ва риск бир-бирига тескари пропорционал булган жараёнدير;

туртинчидан, хавф-хатар даражаси (кулами) юкори булган холда риск «0» булади.

Хар бир фаолият турида рискга бориш ноаникликка мажбур этади. Иктисодиётда ноаниклик деганда, мулжалланган лойихаларни, фаолиятни амалга ошириш шартлари хакида, ҳамда улар билан боглик булган харажатлар ва олинадиган натижаларнинг ноаниклиги тушунилади.

2.2 Тижорат банкларида банк рискларининг таснифи

Умуман, иктисодиётда ноаникликнинг сабабларини куйидаги учта асосий гурухга булиб курсатиш мақсадга мувофикдир:

Биричи гурух - бу билмаслик, яъни бизни ураб турган мухит хакидаги билимларимизнинг камлиги ёки тула эмаслиги;

Иккинчи гурух - бу тасодифийлик. Бунга биз бир хил шароитда турли хилда содир буладиган воқеаларни киритишимиз мумкин. Хар доим содир буладиган воқеалар одатда ишончли воқеалар дейилади. Уларнинг оқибати олдиндан маълум булиб, юзага келиши мумкин булган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва рискни минималлаштириш мумкин. Маълум фаолият олиб боришда қутилмаганда юзага келувчи ҳолат тасодифий ҳолат дейилади. Фалсафий нуқтаи назардан ёндошмоқчи булсак тасодиф ҳамма вақт ҳам доимий ҳақиқат булмаслиги мумкин. Тасодифни ҳақиқатга ёки ишончли воқеага айлантириш эса риск қилишни талаб қилади.

Учинчи гурух - ноаниклик, яъни бу гурухдаги номувофикликлар товарга булган талабининг узгаришига, унинг сотилишига, ижарачилар

билан буюртмачилар уртасида келишмовчиликларнинг келиб чиқишига, мол етказиб берувчилар томонидан шартномаларни бекор қилишга, жамоада келишмовчиликларнинг бўлишига олиб келади.

Риск ноаникликдан яна сон ва сифат жихатдан фарк қилади. Сон жихатдан фарк шундан иборатки, риск бу йукотишлар ёки олинмаган даромад миқдорини улчаш имкониятини курсатади. Ноаниклик уз-уздан мавхумий тушунча бўлиб уни улчаб бўлмайди, унинг натижаси ҳам ноаниқдир. Сифат жихатдан юкори рисклилиқ нисбатан юкори даромадга олиб келади. Бирон бир фаолият тури бўйича ноаниклик даражаси канча чуқур бўлса, бу фаолият натижаси салбий, муваффақиятсиз бўлиши мумкин. Рискнинг яна бир хусусияти шундаки, у хоҳлаган фаолият турида бўлиши мумкин. Ноаниклик утган давр бўйича маълумотлар бўлмаганлиги туфайли фаолият натижаси эҳтимолини субъектив аниқлаш мобайнида юзага келади ва униинг оқибат натижаси барибир ноаникликдан иборат бўлади.

Банк рискига куйндагича таъриф бериш мумкин - банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида маблағлардан фойда ололмаслик эҳтимоли юзага келган ҳолда ҳам ижобий натижага умид боғлаб банк операцияларини амалга ошириш тушунилади.

Банк рискининг юзага келишига куйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- бозорнинг яхши урганилмаганлиги;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитланадиган объект, лойиха ва субъектларнинг молиявий аҳволи тугрисида маълумот ва ахборотларнинг тулик эмаслиги;
- тармок фаолияти хусусиятларининг инобатга олинмаслиги;
- банк маълумотларидан фойдаланувчи субъектлар ёки миқозларнинг иқтисодий билимларининг етарли эмаслиги.

Банк рисклари ва уларнинг турларини чуқур урганишнинг натижаси сифатида уларнинг куйидаги таснифига диққатига қаратиш лозимдир (2- Жадвалга қаралсин).

2-жадвал

Банк рискининг таснифи

т/р	Таснифлаш белгилари	Банк рискларининг турлари
1.	Таъсир қилиш даражасига қараб	- Паст даражадаги рисклар - Уртача даражадаги рисклар - Юқори даражадаги рисклар
2.	Таъсир қилиш вақтига қараб	- Регроспектив рисклар - Жорий рисклар - Перспектив рисклар
3.	Намоён бўлиш шаклига қараб	- Тизимли рисклар - Тизимсиз рисклар
4.	Бошқариш имконияти (аниқлик даражаси)га қараб	- Очик рисклар - Ёпик рисклар
5.	Юзага келиш сабабларига қараб	- Соф рисклар - Тижорат рисклари
6.	Қамраб олишига қараб	- Индивидуал (алохида) рисклар - Умумий рисклар
7.	Тан олиш даражасига қараб	- Тан олинган рисклар - Тан олинмаган рисклар
8.	Содир бўлиш характериға қараб	- Ички рисклар - Ташқи рисклар
9.	Содир бўлиш йуналишига қараб	- Тармоқлар бўйича рисклар - Хажмга қараб рисклар - Мулкчилик шаклига қараб рисклар - Мижозларнинг таркиби бўйича рисклар - Тижорат банклари турлари бўйича рисклар
10.	Банк операциялари турига қараб	- Баланс операциялари бўйича рисклар 1. Пассив операциялар rischi • диверсификация rischi • инфляция rischi • жамгарма rischi • депозит rischi • фоиз ставкаларининг узгариши rischi 2. Актив операциялар rischi • касса операциялари rischi • инвестиция rischi

		• кредит риси • валюта риси 1. очик позиция риси 2. конвертация риси • бозор риси • хисоб китоблар риси • портфел риси 3. Актив ва пасивларни бошқариш риси • фойда ололмаслик риси • ликвидлик риси • суистеъмол риси • банкротлик риси • фонд риси • иктисодий билим ва ташкилотчиликнинг етарли эмаслик риси Балансдан ташкари операциялар бўйича рисклар, яъни молиявий хизматларини амалга ошириш бўйича рисклар: • банк технологияси риси • инновация риси • хавфсизлик риси • операцион риск 1. бартер 2. клиринг 3. кредитлаш 4. факторинг 5. лизинг
11.	Таъсир қилиш омилларига қараб	- Сиёсий омилларга боглик рисклар - Таббий омилларга боглик рисклар - Иктисодий омилларга боглик рисклар - Социал омилларга боглик рисклар
12.	Худудий белгиларга қараб	- Халқаро рисклар - Регионал рисклар
13.	Коммуникация нуктаи назаридан	- Транспорт риси - Трансляция риси

Банк рискларининг таснифи уларнинг юзага келиш сабаби ва намоён бўлиш шакли ҳамда бошка белгилари асосида содир бўлиши мумкинлигини узида акс этади. Биз банк фаолиятида юзага келувчи рискларни таснифлаш

оркали уларга таъсир курсата олиш имкониятимизни аниклашимиз ёки рискнинг олдини олиш, уни камайтириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш шароитига эга булишимиз мумкин. Банк рискининг қайси белгилар таъсирида юзага келиши бу рискни таснифлашнинг, яъни рискка ташхис қўйишнинг бошлангич босқичи бўлса, унинг аниқ, тўрини белгилаш рискнинг мавжудлигини тан олиш босқичи бўлиб унта нисбатан қўриладиган чора-тадбирларни, уни камайтириш бўйича қўлланиладиган усулларни аниқлашнинг имкониятини яратиб беради. Банк рискни таснифлашда тан олинган ва тан олинмаган рискларнинг мавжуд булиши, уларнинг юзага келиш сабаблари, таъсир қилиш даражаси, намоён булиш шакллари, банк операциялари турларига қараб юзага келиши ва бошқа белгилари бўйича уларнинг умумий тизимдаги ўрнини белгилаш, уларни оптимал бошқариш га, бинобарин, банк фаолиятини ва уни кредит портфелини самарали бошқариш учун имконият яратиб беради.

2.3 Тижорат банкларида юзага келиш мумкин бўлган рискларни кредит портфелини сифатлилигини таъминлаш оркали пасайтириш йўллари

Банк тизими ислох қилинаётган бугунги шароитда уларнинг фаолият курсатиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган рискларни таҳлил қилишда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

-Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эришиши билан қўпгина хужалик субъектлари фаолиятида юзага келган ижобий ва салбий ўзгаришлар баъзи тармоқларда айланма маблағларнинг етишмовчилигига олиб келади. Шу сабабли ишлаб чиқариш хажмининг қисқариши, қўрхоналарнинг молиявий барқарорлигининг сусайиши, улар ўртасидаги хужалик алоқаларининг қисқариб кетиши содир бўлади;

- банклар тизимини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, жойларда банкларнинг мустақиллигини таъминлаш заруриятини тўғдиради;

- банклар фаолиятида инфляция даражасини аниқ ҳисобга олишни зарур қилиб қуяди;

-банклар билан мижозлар уртасидаги муносабатларнинг ҳукукий асосларини мустаҳкамлаш ута долзарб бўлиб қолади.

Кайд қилинган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда банклар фаолиятида учраши мумкин булган рисклар эҳтимолини аниқроқ баҳолаши мумкин.

Риск даражасини миқдор жиҳатдан баҳолаш учун барча операцияларининг эҳтимолий натижаси ва унинг оқибатларини олдиндан тахмин қилиш лозим. Эҳтимоллик ҳар доим муайян бир натижа олишни ифодалайди. У бирон бир натижа бўлиш эҳтимолини ва математик кутишларга энг юқори натижа бериши мумкин булган ҳолатга ён беради.

Банк рискларини баҳолашда банк куриши мумкин булган зарар ёки фойда эҳтимолини аниқлашда қуйидаги асосий мезонлар эътиборга олиниши зарур:

1. Кутилаётган уртача киймат;

2. Эҳтимол қилинган натижанинг узгарувчанлиги.

Кутилаётган уртача киймат тушунчаси вазиятнинг ноаниқлиги билан боғлиқ бўлиб, эришилиши мумкин булган барча натижаларнинг уртача кийматидан иборат ва бунда ҳар бир натижанинг эҳтимолидан тегишли кийматнинг тез-тез такрорлашини ёки салмоғи сифатида фойдаланилади.

Кутилаётган киймат урталаштирилган миқдор бўлиб, у бўйича узил-кесил қарорга келиш учун курсатгичларнинг узгарувчанлигини, яъни булажак натижанинг узгариш меъёрини аниқлаш лозим бўлади. Булажак натижанинг узгарувчанлиги кутилаётган уртача кийматдан фаркланиш даражасини англатади. Бунинг учун амалиётда бир-бири билан мустаҳкам боғланган икки курсаткич: дискрет тасодикий миқдор дисперсияси (σ^2) ва уртача квадратик фаркланиш (σ) курсатгичларини куллаш мумкин. Дискрет тасодикий миқдор дисперсияси ҳақиқатда эришилган натижаларнинг

кутилаётган уртача натижалардан фарклари квадратларидан келиб чиккан уртача микдордан иборатдир.

Амалда дисперсия ва вариация коэффицентларини куллаш йули билан банк рискларининг салмоғини аниклаш йуллари тадқиқ қилинган бўлиб, унда вариация коэффиценти (σ) канча юкори бўлса, фаркланиш ёки риск даражаси шунчалик юкори бўлиши мумкинлиги ва бинобарин вариация даражасини баҳолашда қуйидаги интерваллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги тавсия қилинади:

10%гача - кам риск

10% дан 25 %гача - меъёردа сезиларли ёки меъёрдаги риск.

25%дан юкори - юкори риск.

Вариация коэффиценти бўйича фаркланиш даражасининг юкори ёки паст бўлиши банк амалга оширадиган операцияларида риск даражасининг паст ёки юкори бўлишини курсатади. Банкнинг операциялари бўйича риск даражаси вариация коэффицентига тугри пропорционалдир. Шунинг учун банк уз фаолияти давомида рискни камайтириш ва банк ликвидлигини ошириш мақсадида банк маблағларини фаркланиши кам бўлган вариантга (операцияларга) қуйишга интилиши керак. Шундагина у кузлаган фойдасига эга бўлиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида унинг активлари ва улар билан боғлиқ актив операцияларнинг рисклилиқ даражасини аниклаш ва бу жараёни бошқариб бориш ута муҳим аҳамият касб этади. Банк активларининг кийматини ва улардан келадиган даромадларни тугри ҳисоблаб режалаштириш банк фаолиятининг самарадорлигига олиб келиши, активлар кийматини нотугри ҳисоблаш ва жойлаштириш банкнинг молиявий ахволида кийинчиликлар тугдириши мумкин. Хорижий давлатлар банк тизимида активларни бошқариш усулларида фойдаланган ҳолда Ўзбекистан Республикаси тижорат банклари фаолиятида унинг активларининг етакчи қисми бўлган кредит операциялари бўйича уларнинг самарадорлигини, берилган кредитларнинг баҳосини аниклаш услуби тавсия этилган.

Хозирги кунда Республикамизнинг аксарият тижорат банклари томонидан кредитлар беришда шу кредитнинг бахоси канча эканлиги чуқур тахлил қилинмайди. Ўзбекистан Республикаси Банк қонунчилигига биноан тижорат банклари эркин равишда берадиган кредит бўйича баҳо урнатишлари мумкин. Хозирги кунда тижорат банклари марказлашган кредитлар каби бошқа турдаги кредитлар учун ҳам Ўзбекистан Республикаси Марказий банки томонидан урнатилган қайта молиялаш ставкасини максимал 1,5 баробар ошириш асосида ҳеч қандай ортиқча ҳисоб-китобларсиз баҳо урнатадилар.

Бозор иқтисодиёти юқсак ривожланган давлатларда кредитнинг баҳосини белгилашда кредитнинг бозор баҳоси ҳисобга олинади, лекин кредитнинг миқозга бериладиган баҳосини ҳисоблаш бир неча босқичлардан иборат бўлади ва банклар томонидан бу курсаткич чуқур тахлил қилиниб, ҳисоблаб чиқилади. Кредитнинг баҳосини аниқлаш, рискларнинг олдини олиш асосида банкнинг барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш имкониятини беради. Тадқиқотчи кредитнинг баҳосини аниқлашда аввалам бор банкнинг ўз капиталига тугри келувчи фоиз ставкани аниқлаб олиш лозимлигини тавсия қилади. Банк капиталига тугри келувчи фоиз ставкаси (ёки фойда нормаси) банк ликвидлигини таъминлашнинг асоси бўлиб, банкнинг ўз акционерларига дивиденд тулаш мажбуриятини бажаришга асос яратади.

Банк миқозга кредит таклиф қила туриб ўзи қанча миқдорда фойдага эга бўлиши мумкинлиги эҳтимолини ҳисоблаб чиқиши лозим. Бунинг учун банк ўзининг асосий харажатлари (ҳодимларига қиладиган харажатлар, ижара) ва бошқа умумий харажатлари (электрэнергияси, бошқа майда харажатлар)ни аниқ ҳисоблаб бориши керак. Кредитнинг баҳосини аниқлашда кредитлаш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар, уларни амалга ошириш учун кетадиган вақт (минут, секундлар) аниқланиши лозим. Бу маълумотлар асосида банк маъмурияти банк бўйича операцияларнинг ўртача қийматини аниқланиши мумкин. Ундан ташқари кредит беришда банк

кредитларининг рисклилиқ даражасини ҳам инобатга олиш лозим. Бу курсаткични туланмаган кредитлар суммасини берилган кредитлар суммасига булиши йули билан аниқлаш мумкин.

Юкоридаги омилларни инобатга олган ҳолда кредитнинг баҳосини (K_6) қуйидагича аниқлаш мумкин (1 – формулага қаралсин).

1 – Формула

$$K_6 = K_{6.6} + O_x + R_{\text{л}} + K_{\text{ф}}$$

Бу ерда:

$K_{6.6}$ - кредитнинг бозор баҳоси;

O_x - операцияни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;

$R_{\text{л}}$ - кредитлар бўйича риск даражаси;

$K_{\text{ф}}$ - банкнинг уз капиталига фойиз ставкаси.

Банк берган кредити бўйича қанча самарадорликка эришганлигини аниқлаш услуби келтирилган бўлиб, уни аниқлаш актив, пассив ва воситачилиқ операциялари бўйича олинadиган даромадга боғлиқдир. Амалиётда қупгина банклар маълум миқдорда фойда олса у фаолиятини самарали деб ҳисоблайди. Ваҳоланки умумий фойда банк фаолиятининг самарадорлигини узида акс эттира олмайди. Чунки фойда мутлоқ миқдордир. Шу сабабли банклар фойда ёки капитал рентабеллигини (P) қуйидаги тартибда аниқлаш муҳимдир (2 – формулага қаралсин):

2 – Формула

Банк фойдасини умумий суммаси х 100%

$$P = \frac{\text{Банк фойдасини умумий суммаси х 100\%}}{\text{Туланиши лозим бўлган кредитлар суммаси х 8 \%}}$$

Туланиши лозим бўлган кредитлар суммаси х 8 %

Кредит операцияларини олиб боришда йул қуйилган қамчиликлар банклар даромадининг қамайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу боис

банкларнинг кредит портфели, унинг сифатлилигини таъминлаш
кредит рискларини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

III Боб. Банк кредит портфелини унинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги роли.

3.1 Банк активлар сифати ва банк йукотишлари бўйича захиралар ташқил этиш йуллари

Узбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 9 ноябрь 1998 йилда тасдиқланган №242-сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин булган йукотишлар бўйича тижорат банклари томонидан захиралар ташқил қилиш ва ундан фойдаланиш коидаси»га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юкорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубхали», «умидсиз» ёки «ишончсиз» кредитларга таснифланади:

- **Яхши кредитлар.** Кредитнинг бундай сифатда бахоланиши, ми- жознинг активлари, уларнинг ҳолати бўйича ҳеч қандай гумон йуклигидан далолат беради. Молиявий жихатдан барқарор, ҳужалик обороти юкори даражада уз капитали билан таъминланган, юкори рентабеллик курсаткичларига эга, дебитор ва кредитор қарзларнинг айланиш муддати қиска ва ҳақозо. Бу кредит эгалари молиявий барқарор ҳужалик субъекти бўлиб, у юкори даражадаги таъминотга эга. Бунда асосий эътиборни қарз олувчининг аввалги фаолиятидаги мажбуриятлар булган муносабатга, осон реализация қилинувчи активлар на юкори ликвидли маблағлардан ташқил топган ишончли кредит таъминотига қаратиш керак. Ушбу тоифадаги кредитларда қайтармаслик белгилари мавжуд эмас, банклар учун зарар қуриш имкониятлари минимал даражада булади, кредитнинг таъминланганлигининг (гаров, қафолат ва бошқалар сифати, таъминланганликка олинган мол – мулк, гаров ва бошқаларнинг таркибида тез пулга айланадиган активлар ва юкори ликвид маблағлар салмоғининг қуплиги эътиборга олинади. Кредит бўйича олинган таъминланганлик (гаров, мол-мулк ва бошқалар) кредит суммаси ва у бўйича фойиз ставкаларини тулашга етарли булгандагина кредит таъминланган деб бахоланиши мумкин.

Кредит бўйича барча хужжатлар конун бўйича хужжатлаштирилиши ва банк зарур булганда кредитни ундириб олиш имкониятига эга булиши зарур (кредитнинг кайтарилмаслик эҳтимоли чекланган булсада). Кредитнинг бу гуруҳида мижознинг фаолиятидаги икки асосий омилга, яъни:

- мижознинг олдинги фаолиятидаги уз мажбуриятларига булган муносабати;
- кредит бўйича аник таъминганликнинг (гаров, кафолат, мулк ва бошқалар) булиши ва унинг тугри расмийлаштирилганлигига алоҳида эътибор берилади.

Стандарт кредитлар. Бундай кредитлар бўйича вакти - вакти билан кредитни уз вақтида кайтара олмаслик шароити юзага келади. Лекин кредитни белгиланган муддатида тулай олмаслик бўйича унинг тулов муддатининг узайтирилиши бир мартагина булиши, кредитни ва у бўйича фоизларни тулай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача, тулик таъминланмаган кредитлар учун 30 кун булган муддатдан ошмаслиги лозим. Олган кредити стандарт деб топилган мижозларнинг молиявий ахволи одатда барқарор булади, лекин маълум вақтинчалик сабаблар туфайли унинг фаолиятида салбий молиявий ҳолат юзага келган булиши мумкин. Бундай кредитлар каторига яхши расмийлаштирилмаган кредитлар, гаров, таъминланганлиги бўйича тугри хужжатлаштирилмаган ёки хужжатлар етарли булмаган кредитлар ҳам кириши мумкин. Бу кредитлар бўйича 10 фоиз атрофида захира ташқил қилиниши зарур.

• **Субстандарт кредитлар.** Ву гуруҳга кирувчи кредитлар уларнинг сифати етарли даражада эмаслигини билдирувчи аник белгиларга эга булади. Бу асосан кредитларнинг банкга кайтиб туланишида маълум камчиликлар мавжудлиги ва кредитнинг таъминланганлиги сифатида қабул қилинган бошлангич манбалар кредитни тулаш учун етарли булмаслиги натижасида қарзни тулаш учун қушимча манбаларни топиш зарурлигини курсатади. Субстандарт кредитлар қарз олувчининг ишончли молиявий

ахволи ва тулов кобилиятининг юкори даражаси билан химояланмаган. Бу кредит кредитнинг таъминланганлигини ташқил қилувчи манбалар маълум рисклар билан боғликлигини, кредитнинг жорий ҳолати бўйича етарли ахборотнинг мавжуд эмаслиги, гаров ҳужжатларида маълум камчиликлар мавжудлиги билан характерланади ва 60 кундан 90 кунгача туланмаган қарзлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу кредитлар молиявий ахволи барқарор бўлмаган, корхонанинг туловга лаёқатлилигида камчиликлар бўлган ҳолларда юзага келади. Субстандарт кредитлар бўйича 25 фоиз кредитлар туланмаслиги мумкин деб ҳулоса қилиниши ва бу кредитлар бўйича туланмаган қарзларни коплаш учун 25 фоиз захира ташқил қилиниши мумкин.

- **Шубхали кредитлар.** Бу кредитлар юкорида келтирилган гуруҳлардаги кредитларнинг барча салбий тамонларини узида ифода қилиши билан биргаликда тулик таъминланганликка эга бўлмаган, туланиш эҳтимоли кам бўлган кредитлар киради. Бу кредитлар бўйича олинган кредит яхши таъминланганликка эга бўлганида асосий қарз бўйича фоизларни тулаш муддати 180 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган бўлса, зарар қуриш имконияти юкори, бироқ ушбу кредитларнинг сифатига ижобий таъсир қурсатиш мумкин бўлган омиллар мавжудлиги сабабли уларни йукотилган деб таснифланиши вақтинча тухтатилади. Бу гуруҳга қирувчи кредитлар бўйича 50 фоизгача захира ташқил қилиниши лозим.

- **Ишончсиз кредитлар.** Бу кредитлар бўйича қарзларнинг туланиш эҳтимоли деярли йук. Агар кредит тулик таъминламаган бўлса, энг камида битта муаммоли тавсифга эга бўлса, тулов муддати 180 кундан ошган бўлса ҳамда кредитни «шубхали» деб таснифлаб бўлмаса бундай активлар «ишончсиз» деб ҳисобланади. Бу активлар жуда паст қийматга эга бўлиб, уларни активлар сифатида ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун банклар бу кредитларни уз балансларида зарар сифатида ҳисобга олишлари мумкин. Ишончсиз кредитлар фойда ҳисобига бунинг учун фойда етмаган ҳолларда эса банк сармояси ҳисобига балансдан

чикарилиши мумкин. Банк учун бу кредитлар зарар сифатида таснифланади. Бундан ташкари бир йил ва ундан ортиқ муддатда ҳаракатсиз бўлган активлар, муддати ўтган ва фоизлар бўйича қарзлар ҳам зарар сифатида таснифланиши мумкин. Шу сабабли бу гуруҳга қирувчи кредитлар бўйича 100 фоиз заҳира ташкил қилиш лозим бўлади.

Кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга, яъни:

- биринчи даражада таъминланган;
- бошқа таъминотга эга бўлган;
- тулиқ таъминланмаган;
- таъминланмаган ссудаларга бўлиш мумкин.

Биринчи даражада таъминланган кредитлар гуруҳига тулиқ таъминланган кредитлар қиради. Булар:

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қароли;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қароли;
- Ўзбекистон Марказий банки қароли билан биринчи синф хорижий банклари қароли;
- эркин айирбошладиган валюталардаги қаров;
- Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қаровлари қаролидаги қаров;
- стандартлаштирилган қимматбаҳо металл қаровлари қаролидаги қаров қароли билан таъминланади.

Бошқа таъминотга эга бўлган ссудалар:

- қаров-қаров қарови;
- қимматли қаровлари қаролидаги қаров;
- бошқа қаров ва қаровий қаровларнинг қаров хати қаровлари билан таъминланади.

Тулик таъминланмаган кредитлар гурухига кisman таъминланган кредитлар киради (ссуда кийматининг 60%идан кам булмаган микдорда).

Таъминланмаган ссудалар гурухига таъминотга эга булмаган ёки урнатилган тартибда расмийлаштирилмаган кредитлар киради.

Тижорат банкларининг кредит портфелини булиб-булиб таснифлаш хам мумкин. Бу холда активлар бир ва ундан ортик туркум бўйича таснифланиши мумкин.

Муаммоли кредит таъминотга эга булса ва ушбу таъминотнинг киймати кайтарилмаган карз микдоридан кам булса, бу холда ушбу кредит (агар таъминот учун бозор мавжуд булса):

- таъминотнинг бозор нархига тенг булган микдордаги кайтарилмаган карз субстандарт карзнинг колган кисми эса шухбали ёки ишончсиз деб таснифланади.

Шухбали ёки ишончсиз деб таснифланган муаммоли кредит таъминотга эга булмаса, лекин баъзи бир аник омиллар асосида якин келажакда кisman копланиш эхтимоли булса, у холда бундай ссуда юкорида айтиб утилган копланиш эхтимоли булган кийматга тенг булган туланмаган карз микдорида шухбали деб, карзнинг долган кисми эса ишончсиз деб таснифланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари кредит портфелини сифатини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилмоқда⁵. (3 – формулага каралсин).

1. Кредитларнинг даромадлилик коэффиценти (КДК)

Бу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади.

⁵ К.Барлтроп и Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках.-Всемирный банк, Вашингтон, 1993.-с. 10-11.

3 - формула

$$\text{КДК} = \frac{\text{Солиқ тўлашгача бўлган соф фойда} \times 100 \%}{\text{Кредитларнинг ўртача суммаси}}$$

Кўпчилик мутахасисларнинг фикрига кўра, бу кўрсаткич банк кредитларининг даромадлилик даражасини нисбатан аниқроқ акс этирадиган кўрсаткич ҳисобланади. Унинг норматив 1,0 % ни ташқил этади. Агар бу коэффициентнинг ҳақиқатдаги даражаси 1,0 %дан паст бўлса, бу ҳолат банк кредитларининг даромадлигини оширишда сезиларли муамоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

2. Соф фоиз маржаси коэффициенти (СФМК) (4 – формулага каралсин).

Бу коэффициент қуйидагича ҳисобланади.

4 - формула

$$\text{СФМК} = \frac{(\text{фоизли даромадлар} - \text{фоизли харажатлар}) \times 100 \%}{\text{банк активларининг ўртача суммаси}}$$

Бу коэффициент тижорат банкининг жами активларининг ўртача суммасига нисбатан, соф фоизли даромад олиш қобилиятини тавсифлайди. Бу кўрсаткичнинг тижорат банклари учун амалий аҳамияти шундаки, у соф фоизли даромаднинг норматив даражасини ифодалайди, соф фоизли даромад эса тижорат банкларининг молиявий қолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Соф фоиз маржаси коэффициентининг норматив даражаси 4,5 фоизни ташқил этади.

3. Соф фоизли спрэд коэффициенти (СФСК) (5 – формулага каралсин).
Бу коэффициент қуйидагича аниқланади.

5 - формула

$$\text{СФСК} = \frac{\text{Олинган фоизлар} \times 100 \%}{\text{Брутто кредитлар}} - \frac{\text{Тўланган фоизлар} \times 100 \%}{\text{Фоиз тўланадиган депозитлар суммаси}}$$

Ушбу коэффициент фоиз келтирадиган активлар билан фоиз тўланидиган пасивлар ўртасидаги нисбатнинг ҳақиқатдаги даражасини кўрсатади. Жаҳон банки экспертларининг тавсиясига кўра тижорат банкининг капитали, трансакцион депозитлар ва фойда ҳисобидан ташқил қилинган захиралар мазкур коэффициентни ҳисоблашда қўлланилмаслиги лозим.

Соф фоизли спрэд коэффициентнинг норматив даражаси жаҳон банкининг экспертлари томонидан 1,25 фоиз қилиб белгиланган.

4. Соф операцион маржа коэффициентни (СОМК) (6 – формулага каралсин).

Бу коэффициент қуйидагича ҳисобланади.

6 - формула

$$\text{СОМК} = \frac{\text{ДКА} + \text{ХБОТ} \times 100 \%}{\text{ЖМА}} - \frac{\text{ФХ} \times 100 \%}{\text{ЖММ}}$$

Бу ерда:

ДКА – даромад келтирадиган активлар;

ХБОТ – хизмат бўйича олинган тўловлар;

ЖМА – жами молиявий активлар;

ЖМИ – жами молиявий мажбуриятлар;

ФХ – фоизли харажатлар.

Ушбу коэффициент банкнинг операцион фаолиятидаги воситачилик функциясини бажариш натижасида оладиган даромадларининг реал даражасини кўрсатади.

Соф операцион маржа коэффицентининг норматив даражаси 6,50 фоизни ташқил қилади.

5. Операцион даромадлар коэффиценти (ОДК) (7 – формулага каралсин).

Бу коэффицент қуйидагича ҳисобланади.

7 - формула

$$\text{ОДК} = \frac{\text{Операцион даромадлар суммаси} \times 100 \%}{\text{Банк активларининг ўртаси миқдори}}$$

Ушбу коэффицент тижорат банки молиявий ҳолатининг операцион фаолиятига боғлиқлик даражасини кўрсатади.

Операцион даромадлар коэффицентининг норматив даражаси 1,0 фоизни ташқил этади.

Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банкнинг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур коэффицентларга нисбатан танқидий фикр билдиришдан йироқмиз, бунинг сабаби шундаки, биринчидан, қайт этилган кўрсаткичлар илмий жиҳатдан асосланган кўрсаткичлардир; иккинчидан, улар дунёнинг кўплаб мамлакатларида банк амалиётида кенг қўлланилмоқда. АҚШда тижорат банклари активларининг даромадлилик даражаси ва умуман сифат кўрсаткичлари “CAMEL” рейтинг тизими асосида баҳоланади.

“CAMEL” рейтинг тизимида банк активларининг даромадлиги уларнинг риск даражасига боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Мазкур тизимда активлар риск даражасига кўра бешта гуруҳга бўланади:

Яхши активлар, махсус изоҳланадиган активлар, ностандарт активлар, шубҳали активлар ва умидсиз активлар.

Яхши активлар – бу соф қиймат билан ёки юқори сифатли таъминот билан ҳимояланган активлар.

Махсус изоҳланадиган активлар – бу таъминотга эга бўлган, лекин ортиқча риск билан жойлаштирилган активлар. Бу активларга масалан,

банкнинг кредит бўлимининг малакасизлиги туфайли маълум хатоликлар асосида расмийлаштирилган кредитлар киради.

Ностандарт активларга жорий қиймат ва таъминот билан етарли даражада таъминланмаган активлар киради.

Шубҳали активлар – бу йўқотишлар эҳтимоли юқори бўлган, лекин маълум бир сабаблар кўра умидсиз активлар тоифасига киритилмаган активлар.

Умидсиз активлар – бу қайтиш эҳтимоли ниҳоятда паст бўлган активлардир.

Ностандарт активлар 20 %, шубҳали активлар 50 %, умидсиз активлар 100 % риск даражасига эгадир.

“CAMEL” рейтинг тизими бўйича активларнинг сифати қуйдагича баҳоланади (3 – жадвалга каралсин).

3 – жадвал

Рейтинг	Активлар сифатининг асосий кўрсаткичи даражаси, % да
1	5 гача
2	5 дан 15 гача
3	15 дан 30 гача
4	30 дан 50 гача
5	50 дан юқори

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, асосий кўрсаткичнинг даражаси ошиб бориши билан рейтинг баллари ҳам ошиб боради. Бунда асосий кўрсаткич банкнинг барча активлари бўйича рискининг умумий миқдорини тижорат банкининг асосий капиталига бўлиш йўли билан аниқланади.

АҚШ тижорат банкларида активларнинг даромадлигини баҳолаш учун фойдалилик коэффиценти (ФК) қўлланилади (8 – формулага каралсин).

Ушбу коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$\Phi K = \frac{\text{Соф фойда (солиқ тўлангандан кейин)} \times 100 \%}{\text{активларнинг ўртача миқдори}}$$

Мазкур коэффициентни белгилаш учун 5 та гуруҳга ажратилади: биринчи гуруҳга активларининг миқдори 100 млн доллардан кам бўлган банклар, иккинчи гуруҳга активларининг миқдори 100 млндан 300 млн долларгача бўлган банклар, учинчи гуруҳга активларининг миқдори 300 млндан 1 млрддан долларгача бўлган банклар, тўртинчи гуруҳга активларининг миқдори 1 млрддан 5 млрд долларгача бўлган банклар, бешинчи гуруҳга активларининг миқдори 5 млрд доллардан ортиқ бўлагн банклари киради.

Ҳар бир гуруҳ бўйича ва гуруҳдаги ҳар бир банк бўйича сўнгги уч йил мобайнидаги фойдалилик коэффициентининг ўртача миқдори аниқланади. Ундан кейин фойдалилик коэффициентини уч йил мобайнида ҳақиқатдаги ўртача миқдори ҳар бир банк бўйича пасайиб бориш тартибида жойлаштирилади.

Бир рейтинги олий даража ҳисобланади ва бунда фойдалилик коэффициенти бир фоиздан юқори бўлади ва банк кредитлардан кўрилидаган зарарни қоплаш учун тўлиқ заҳиралар ташкил этиш имкониятига эга бўлади.

Рейтингнинг иккинчи даражаси қонихарли даража ҳисобланади ва фойдалилик коэффициенти 0,75 фоиздан 1,0 фоизгача бўлади.

Рейтингнинг учинчи даражаси узвий даража ҳисобланади ва бунда фойдалилик коэффициенти 0,5 фоиздан 0,75 фоизгача бўлади. Бунда дивидентлар бўйича ставкаларнинг даражаси юқори бўлади, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплаш учун ташкил этиладиган заҳиралар етарли бўлмайди.

Рейтингнинг тўртинчи даражаси чегаравий даража ҳисобланади ва бунда активларнинг фойдалилик коэффициенти 0,25 фоиздан 0,5 фоизгаса

бўлади. Бунда банкнинг фойдаси регулятив капитал ҳажмини ошириш учун етарли бўлмайди, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплаш учун ташкил этиладиган захиралар етарли бўлмайди.

Рейтингнинг бешинчи даражаси қониқарсиз даража ҳисобланади ва бунда активларнинг фойдалилик коэффиценти 0,25 дан паст бўлади. Бу банк жорий фаолиятини зарар билан якунлайди⁶.

АҚШ банкларида кредит портфелининг даромадлилик даражасини баҳолаш мақсадида кенг қўлланилаётган фойдалилик коэффиценти сўнгги уч йил мобайнида маълумотлар асосида ҳисобланади ва бу ҳолат фойдалилик коэффицентиға қисқа муддат даврий оралиқларда юзага келадиган вақтинчалик омилларнинг таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

Ривожланган индустриал мамлакатларнинг тижорат банклари кредит портфелининг даромадлилик даражаси жуда юқори бўлиб, бу ҳолат банклар ресурсларининг асосий қисмини юқори даромадли операцияларға йўналтирилаётганлигидан далолат беради. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, юқори даромадли операцияларнинг риск даражаси ҳам жуда юқори бўлади. Натижада хорижий банклар ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан ўзларининг ликвидлилик даражасини таъминлайдилар.

Кредит портфелини диверсификациялаштириш банкнинг кредитлаш ва қимматли қоғозларға сармоялаш бўйича имкониятларини бўлиб – бўлиб жойлаштиришни тақозо этади. Банкнинг кредит rischi икки омилға, яъни берилган кредитлар миқдорининг ошиши ва кредитларнинг асосий қисмини маълум тармоқ корхоналарида тўпланиб қолишиға боғлиқ. Шунинг учун банклар кредит қуйилмаларининг умумий ҳажмида бир – бириға боғлиқ бўлмаган кўп сонли мижозларға анча майда суммаларда кредит беришға интилишлари керак. Бундан ташқари кредитлар қуйидагича тақсимланиши лозим:

⁶ О.И. Лаврушин. Банковское менеджмент. - Москва: ЮРИСТЪ, 2008. – С. 225-226.

Муддатлари бўйича (талаб – эҳтиёжларнинг кутилаётган ўзгаришига боғлиқ ҳолда қисқа ва узоқ муддатли қўйилмалар улишларини тартибга солиш);

Кредитлар мақсади бўйича;

Таъминлаш бўйича (активларнинг турли хилларига);

Кредит учун белгиланган ставка бўйича (белгилаб қўйилган ёки ўзгарувчан ставка);

Тармоқлар, мамлактла бўйича ва хоказо.

Диверсификациялаштириш мақсадида кредит рационаллаштирилади – банклар қарз олувчилар учун кредит беришнинг ўзгарувчан лимитлари ёки кредит чегараларини белгилайди, улардан ортиқ бўлган кредитлар фоиз ставкаси даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда берилмайди.

Қанчалик банкнинг кредит портфели диверсификацияланганлиги юқори бўлса, шунчалик банкнинг ликвидлилиги ҳам юқори булади. Айни вақтда, республикамиз тижорат банклари активларини диверсификация қилишда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги кўзатилмокда.

Хусусан, банк активларини диверсификациялашда етарли даражада этибор қаратилмаган. Маблағларни диверсификациялашда асосан икки усулдан фойдаланилади:

- портфелли диверсификациялаш;
- географик диверсификациялаш;

Портфелли диверсификациялаш – бу банкнинг депозитларини ва кредитларини банкнинг йирик мижозлари доирасида, турли тармоқлар, уй хўжаликлари орасида ҳамда таъминланганлиги ва даромадлилиги ҳар хил бўлган мижозлар орасида тақсимланилади.

Географик диверсификация – бу мамлакатнинг турли хил иқтисодий ва географик туманларидан ресурс жалб қилиш ва ресурсларни жойлаштирилади. Бу хил диверсификациялаш энг самарали усул ҳисобланади, чунки бир тумандан кўрилган зарарни иккинчи тумандан олинган даромад билан қопланади.

3.2 Кредит портфелини сифат даражасини тахлил қилиш боскичларини эътиборга олган ҳолда кредит сиёсатини ишлаб чиқиш йуллари

Кредит портфелининг сифат даражасини тахлил қилиш куйидаги боскичлар бўйича яъни:

- 1. - боскич таъминланганлик даражаси бўйича;**
- 2. - боскич кредит ҳақиқий тулаш ҳолати бўйича;**
- 3. - боскич риск даражаси бўйича;**
- 4. - боскич кредит портфелининг туркумланган кредитлар таркиби бўйича амалга ошириш мумкин.**

Бунда кредитлар юкоридаги белгиларига қараб гуруҳларга бирлаштирилади ва бир гуруҳ бўйича барча кредитлар йигиб чиқилиб, ҳар бир гуруҳнинг ҳажми тугрисида ахборот йигилади, улар тахлил қилинади ва якунида бутун кредит портфели бўйича маълумотларга эга бўлинади.

- 5. - боскичда кредит портфели бўйича умумий риск аникланади. Бунда ҳар бир кредит суммаси бўйича риск даражасига асосланилади.**

Масалан, «А» банк бўйича берилган кредитлар таркиби куйидагича бўлсин:

Стандарт кредитлар — 100 млн. сум

Субстандарт кредитлар – 35 млн. сум

Шубхали кредитлар — 30 млн. сум

Ишончсиз кредитлар — 10 млн. сум

Ҳар бир кредит тури бўйича меъёрий риск коэффиценти асосида тижорат банкининг кредит портфелининг жаъми рискани аниклаш мумкин.

$$(100 \times 10) + (35 \times 25) + (30 \times 50) + (10 \times 100) = 4357 \text{ млн. сум.}$$

Бу суммани утган давр билан таккослаш, кредит портфели сифатига таъсир қилувчи омилларни аниклаш лозим.

Олдинги давр билан хозирги кундаги банкнинг кредит портфели ҳолати таккослади ва салбий натижага эга бўлинган бўлса, унинг сабаблари аникланади.

**6 - боскич. Кредит портфели сифатига қараб
етарли захира фондини ташқил қилинади.**

**7 - боскич. Кредит портфелининг ҳолати, таркиби,
унга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиб
банкнинг келажакдаги кредит сиёсати ишлаб
чиқилади. Бу сиёсатга:**

Кредит ресурсларини ташқил қилиш ва уларнинг қайси мақсадга йуналтирилганлиги, қушимча гарантиялар олиш, кредит шартномасининг бажарилиши устидан олдиндан ва кейинги назорат қилиш, кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва бошқалар лозим бўлади. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур⁷.

Бозор иқтисоди кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит портфелини ташқил қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнига катта эътибор бериледи. Чунки кредит портфелини тугри ташқил қилиш банкнинг самарали фаолиятини амалга оширишнинг, унинг кредит инвестиция сиёсатини олиб боришининг асоси ҳисобланади. Сифатли ва даромад келтирадиган қилиб, мавжуд ресурсларни жойлаштириш банкларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир курсатади. Тижорат банкларининг кредит операциялари катта риск билан боғлиқ. бўлганлиги туфайли биз республика банкларининг кредит портфелини таҳлил қилиб, ундаги ахвол, кредит операциялар билан боғлиқ рискларни камайтириш бўйича ҳулосалар ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқчи эдик (4 – жадвалга қарласин). Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистан Республикаси тижорат банкларининг сони 2009 йил давомида 4 та банкка қупайган. Улар томонидан Республика Халқ -

⁷Шодиев.Т «Тижорат банклари активлари даромадлигини ошириш» Бозор, пул ва кредит журнали 2003 й 5-сон. 3-5 бетлар

хужалигига берилган кредитларнинг асосий кисми сифат даражаси бўйича яхши кредитлар гурухига киради ва 2009 йилда уларнинг салмоғи уртача 95% ни ташкил қилади. Иккинчи ўринда турувчи кредитлар - стандарт кредитлар бўлиб, улар салмоғи учинчи чорак януни бўйича 3,2 % ни ташкил қилади ва бу кредитлар ҳажми 2009 йил бошига нисбатан 2,8 % га нисбатан 0,4 пунктга ошган. Шуниси хусусиятлики, Республика банклари томонидан берилган кредитлар таркибида шубҳали, ишончсиз кредитлар ҳам мавжуд бўлиб, охириги даврда уларнинг салмоғи камайиб бормокда. Республика бўйича субстандарт кредитлар ҳажми 2009 йил туртинчи чорак боши 2009 йил бошига нисбатан 0,7 пунктга, шубҳали кредитлар 0,2 пунктга, ишончсиз кредитлар 0,1 пунктга камайган. Бу камайишлар ҳисобига яхши ва стандарт кредитлар ҳажми ошиб бориши тижорат банклари фаолиятида ижобий натижалар мавжудлигидан, банклар фаолиятида юзага келадиган рискларни вақтида аниқлаб, уларнинг олдини олиш бўйича ишлар олиб бориш такомиллашганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга муаммоли кредитларнинг мавжудлиги кредитнинг кайтиб келмаслик хавфини унутмасликка даъват қилади. Республика банклари томонидан берилган кредитлар тугрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида, биз Республика тижорат банклари бўйича уларнинг кредит портфелининг сифати тугрисидаги ҳисобот маълумотларни таҳлил қилдик. Таҳлил шуни курсатадики, тижорат банклар томонидан берилган кредитлар таркибида барча банклар бўйича «яхши кредитлар» салмоғи юкори. «Яхши кредитлар»нинг тебраниш амплитудаси 01.01.2009 йилда 99,76 % дан 39,70

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелининг
сифат даражаси бўйича таснифи**

№	Курсаткичлар	2009 йил			
		01.янв	01.апр	01.июл	01.окт
1.	Тахлил қилинган банклар сони	29	30	33	33
2.	Тижорат банкларининг умумий кредит куйилмалари	100	100	100	100
	Шу жумладан:				
	яхши кредитлар	94,8	94,8	95,1	95,4
	стандарт кредитлар	2,8	3,4	3,3	3,2
	субстандарт кредитлар	1,8	1,4	1,2	1,1
	шубхали кредитлар	0,4	0,2	0,2	0,2
	ишончсиз кредитлар	0,2	0,2	0,2	0,1

% гачани ташқил қилади. Шубхали кредитлар 0 дан 40,3 % гача, ишончсиз кредитлар 0 дан 9,5 % гачани ташқил қилади.

Урганилган маълумотлар шуни курсатадики, яхши кредит портфелига эга булган банклар: ДАТ «Асака» банкида, АТ «Кишлоқ Курилиш банки»да кредит портфелининг 99% дан ортигини яхши кредитлар ташқил қилса, ТИФ Миллий банки, АБН Амро-банк, Умарбанк, Алокабанк томонидан берилган кредитларнинг барчаси «яхши» кредитлар саналади ва бу кредитлар бўйича риск даражаси деярли йук.

«Яхши» кредитлар салмоғи АТ «Ишлаб чиқаришқурилиш банки», «Агро банк», ларда 90% ва ундан юкори салмокка эга. Шу микдорда кредит портфелида «яхши» кредитларга эга булиши банк фаолиятининг банк конунларига асосан олиб борилаётганлигидан, банкларда кредит сиёсати, кредитлаш стратегияси ва тактикасини олиб бориш тугри йулга куйилганлигидан далолат беради. Биз тахлил қилаётган "Микрокредитбанк" банкнинг кредит портфелининг 1 апрель 2014 йилга тахлили шуни курсатадики, берилган 45729 млрд. сумлик умумий кредит куйилмаларининг 41356 млрд. сумни ёки 90,4 % яхши кредитлар, 3123 млн. суми ёки 6,8 % стандарт кредитлар, улар бўйича 312 млн. сум микдорида захира ташқил қилинган, 932 млн. суми ёки 2% субстандарт кредитлар, улар бўйича 233 млн. сум захира ташқил қилинган, шубхали кредитлар - 287 млн. сум ёки 50% захира микдори 143 млн. сум ва ишончсиз кредитлар - 31 млн. сум булиб, захира хам 31 млн. сум микдорида ташқил қилинган. Биз «Миллий банк» банк амалий материаллари асосида жахон амалиётида кулланилаётган усуллар бўйича фойдалилик даражаси бўйича бу банкда активларнинг самарадорлиги коэффи-центи (ROA) 15уйидаги курсаткичлар билан дисоб қилинади. Бу "Микрокредитбанк" банк мисолида куйидагича аникланади (9, 10 – формулага каралсин):

9 -Формула

Соф даромад (солиққа тортилмаган даромад)

$$ROA = \frac{\text{Соф даромад}}{\text{Жами активларнинг уртача миқдори}} = 1,9\%$$

Жами активларнинг уртача миқдори

10 -Формула

Активлардан олинган фоиз даромадлар

шу активлар бўйича х аراجатха

$$ROA \text{ даромадли активлар} = \frac{\text{Активлардан олинган фоиз даромадлар}}{\text{Даромад келтирувчи активларнинг уртача киймати}} = 2,4\%$$

Даромад келтирувчи активларнинг

уртача киймати

$$ROA \text{ (ссудалар бўйича)} = 2,8\%$$

Жахон амалиётида ROA нинг даражаси 1 ва ундан ортиқ бўлса, бу ҳол банк фаолияти, унинг активлар портфелидан фойдаланиши самарали деб ҳисобланиши мумкин. "Микрокредитбанк" банкдаги ҳисобот материаллари шуни курсатадики, у банк барча активлар, ссуда активлари ва даромад келтирувчи активлардан самарали фойдаланган.

Тижорат банкларининг кредит портфелининг сифати пастиги тугрисидаги маълумотларни биз Халқ банки, «Ипак Йули» банк, АТ «Савдогарбанк» мисолида қуришимиз мумкин. 2013 йилда Халқ банкнинг кредит портфелининг ярмигина «яхши» кредитлардан ташқил топган. Бу курсаткич 2013 йилнинг октябрида 39,7 % га тенг бўлиб, бу йил бошига нисбатан қарийиб 10 пунктга кам. Шубҳали кредитлар миқдори бўйича ҳам «Халқ банки» Республика банк тизимида биринчи ўринда туради. АТ «Ипак йули» каби банкларда ҳам «яхши» кредитлар салмоғи 55 - 62 % атрофида бўлиб, банкда унинг салмоғи йил охирида йил бошига нисбатан

42,2 пунктга камайган. «Агро банк» банкда «яхши» кредитлар салмоғи йил охирида йил бошига нисбатан 2 пунктга ошган булсада, банкда шубхали ва ишончсиз кредитлар миқдори банк кредит портфелининг 30 - 35 % ни ташкил қилади. Таҳлил матери-аллари шуни курсатадики, Республикада фаолият курсатаётган тижорат банклари ичида энг юкори хажмда ишончсиз кредитга эга булган банк бу «Тадбиркор банк» дир. Унинг хажми 2008 йил охирида банк кредит портфелининг 23 - 28 % ни ташкил қилади. Бу курсаткич «Халқ банк» да 3 - 10 % ни ташкил қилади. «Шубхали кредитлар» салмоғи бўйича юкори курсаткичга эга булган банк - «Халқ банки» булиб, унинг салмоғи 2013 йилда «кредит портфели» нинг 18 - 40 % ни ташкил қилган.

Биз АТ «Тадбиркорбанк» нинг кредит портфелининг утган йиллардаги ҳолати 5 - жадвалда келтирилган.

5 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси Тадбиркор банки бўйича берилган қиска муддатли кредитларнинг сифати

Кредитлар сифати	Кредитлар салмоғи, %	
	01.01.2012	01.01.2013
Яхши кредитлар	46,6	60
Стандарт кредитлар	16,0	2
Субстандарт кредитлар	7,8	5
Шубхали кредитлар	12,0	8
Ишончсиз кредитлар	17,6	25
Жами	100,0	100


Узбекистон Республикаси Тадбиркор банки бўйича берилган кредитларнинг сифатининг тахлили шуни курсатадики, 01.01.2012 йилда банк томонидан берилган кредитларнинг қарийиб 47 фоизи яхши кредитлар, 16 фоиз кредит қоникарли кредитлар, 37,4 фоизи банк фаолияти учун самарали натижа олиб келмайдиган кредитлар қаторига қиради. Бу албатта, банк томонидан берилган кредитларнинг салмоқли қисмини ундириб олишда муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради. Берилган кредитларнинг қарийиб 30 фоизга яқини банк фаолиятини, унинг қелгусидаги кредит қиёсатини олиб қоришига қатта таъсир қурсатувчи кредит операциялар сифатида қайдонга қикади. Банк фаолиятига салбий таъсир қурсатувчи кредит сифатида ишонқсиз кредитларни олиш қумқин. 2013 йилда қижорат қанқининг кредит портқелини сифати анча ошган бўлиб, яхши кредитлар 13,4 пунктга ошиб 60% - қача етган. Қоникарли ва субстандарт кредитлар салмоқининг қамайиши иқобий бўлсада, оқирги йилларда ишонқсиз кредитлар қажми сезиларли ошган. Тадбиркор банк қисолида бу кредитларнинг салмоқи 1 январ 2012 йилда 17,6 фоизни, 2013 йилда 25,0 фоизни ташқил қилган. Бу эса уз навқатида қанқнинг даромадининг қамайишига, қанқнинг қолиявий ақволининг ёмонлашувнга олиб қелади.

6-жадвал**ОАТБ “Микрокредитбанк” кредит портфелининг тармоқ хусусияти⁸**
(фоиз ҳисобида)

№	Тармоқлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1	Таълим	82,32	53,21	48,38	49,94	50,62
2	Ишлаб чиқариш	2,29	2,56	1,48	2,49	3,37
3	Савдо	0,62	0,13	0,30	0,29	0,39
4	Хизмат кўрсатиш	3,57	4,79	3,86	3,71	3,87
5	Истемол	0,90	1,37	15,68	17,67	18,32
6	Чорвочилик	1,42	3,34	5,18	6,10	6,79
7	Бошқа тармоқларга	8,88	34,58	25,11	19,80	16,64
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

⁸ ОАТБ “Микрокредитбанк” нинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

ОАТБ “Микрокредитбанк” портфелининг тармоқ ху



Ишлаб чиқаришга	82,32	53,21
Савдога	2,29	2,56
Таълимга	0,62	0,13
Хизмат кўрсатишга	3,57	4,79
Истемол	0,9	1,37

6 – жадвал ва 1 - диаграмма маълумотларидан кўринадики, **ОАТБ “Микрокредитбанк”** кредит портфелида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларга берилган кредитлар етакчи ўринни эгаллайди. Хизмат кўрсатиш алоҳида тармоқ ҳисоблансада, амалда ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқ ҳисобланади.

Шу сабабли, ишлаб чиқариш корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви хизмат кўрсатиш корхоналарининг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

2013 йилда ишлаб чиқариш корхоналарига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғи 2009 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди. Ушбу ҳолат хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқ корхоналарига берилган кредитлар салмоғининг мазкур давр мобайнида ўсганлиги билан изоҳланади.

Агар кредит портфелини вилоятлар микёсида таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак, Навои, Самарканд, Сирдарё, Жиззах, Бухоро вилоятларида кредит портфелининг сифати жуда юкори бўлган, яъни кредит портфели субстандарт (яхши) кредитлардан ташқил топган. Факат Қорақалпоғистон Республикасида кредит портфелининг сифати паст бўлиб, унинг 98,8 фоизи субстандарт кредитларга, 1,2 фоиз кредит шухбали кредитларга тугри келган. Ўзбекистон Республикаси Ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш банкининг кредит портфелининг 1 январ 2013 йилдаги ҳолати шуни курсатадики, банк томонидан берилган кредит қўйилмаларнинг ҳажми 14 млрд. сумни ташқил қилган бўлиб шундан (9,5 млрд. суми узок муддатли кредитларни ташқил қилади. Шу даврда СКБнинг активларининг салмоғи Республика банк тизимининг активларининг 26% ни ташқил қилади. Охирги йилларда ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш банки томонидан муҳим инвестицион лойиҳаларга кредитлар ажратилиши узок муддали кредитларнинг салмоғининг юкори бўлишини таъминлаган. Агар биз шу даврда СКБнинг кредит портфелини юкорида келтирганимиздек минтакавий мижозларнинг урни бўйича таснифлаб қурадиган бўлсак:

Бухоро нефтни кайта ишлаш заводида берилган кредитлар миқдори - 3080 млн. сумни, Андижон биохимия заводида -867 млн. сум, Янги йул биохимия заводида - 1047 млн. сум, «Куконд» ишлаб чиқариш бирлашмасига -76,5 млн. сум, Фаргона химия заводи - 563 млн. сум. Кизилкум фосфит комбинати - 300 млн. сум, Кукон туқимачилик комбинати - 440 млн. сум, «Уголь» АЖ 115 млн. сум, «Антекс» туқимачилик комплекси учун - 360 млн. сум миқдорида кредит қуйилмалар ажратилган.

Юқоридаги келтирилган ҳажмда инвестициялаш учун кредитлар ажратиш, кредитланадиган объектлар бўйича берилган кредитларнинг узок муддатлилиги, кредитлар бўйича қафолатланган таъминотнинг йуклиги, берилган кредитлар бўйича рискнинг юқори бўлишига асос ҳисобланади. Ундан ташқари инвестицияланган юқоридаги объектлардан қуплари янги қурилаётган объектлар бўлиб, уларнинг қурилишини олиб бораётган қурувчи ташқилотлар бўлиб, маблаглар сарфига жавоб берувчи ҳуқуқий жихатдан гарант ташқилотлар сифатида фаолият курсата олмайдилар.

Қайтадан техник жихатдан таъмирланаётган ёки реконструкция қилинаётган қорхоналар давлат мулкидаги қорхоналар бўлиб, уларнинг мулки олинган кредит бўйича гарант сифатида қабул қилинмайди. Ундан ташқари юқоридаги объектлар бўйича Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пул – кредит сиёсати ҳайъатининг олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини объектлар ишга тушгандан кейин тулаш тугрисидаги қарори мавжуд Вазирлар Маҳкамасининг 8 август 1996 йилдаги №277-қарорига асосан баъзи кредитлар ва улар бўйича фоизларнинг қайтиб келиш истикболи йуклигини ҳисобга олиб, кредитлар бўйича туланиши лозим бўлган фоизларнинг бир қисми, яъни 1387 млн. суми туланмаган фоиз ставкаси сифатида банк фаолияти натижаларидан чегириб ташланган.

Бу эса уз навбатида тижорат банкининг молиявий аҳволига салбий таъсир курсатишига, унинг даромадининг қамайишига, ликвидлилиқ ва туловга лаёқатлилиқ курсатқичларининг тушиб кетишига, бу банкнинг ре-

курс базасига, мижозлар билан ҳисоб-китобларни уз вақтида олиб бориш жараёнига салбий таъсир курсатади.

Бу салбий ҳолатнинг асосий сабаби сифатида биз барча объектив сабаблар билан биргаликда кредит ажратиш жараёнида тавсия қилинган лойиҳалар бўйича лойиҳавий таҳлилнинг етарлича амалга оширилмаганлиги, кредит рискларининг уз вақтида инобатга олинмаганлиги, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганлигини ҳам келтиришимиз мумкин. Бизнинг фикримизча ҳозирги кунда давлатимиз мулжаллаётган инвестиция дастурини бажариш ишлаб чиқариш қилиш банкига ухшаган тижорат банклар фаолиятида маълум кийинчиликлар бўлишига олиб келади. Шу салбий ҳолатнинг олдини олиш учун шу вақтгача берилган инвестициялар бўйича уларнинг белгиланган вақтда туланмаган суммасини банк зарарига ёзишдан кура, уларнинг муддатини бир мунча узайтириб бўлсада, уларнинг банкга қайтиб келишини таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Келажакдаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича бизнинг фикримизча махсус инвестицион банк ташкил қилиш лозим. Бундай банклар жаҳон амалиётида мавжуд. Бу банкларга шу лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлганда давлат дотацияларини ажратиш лозим. Бу дотациялар лойиҳаларга узок муддатга, имтиёзли фоиз ставкаларида кредит беришга имкон беради. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда СКБ томонидан берилган, давлат томонидан ҳимояланмаган кредитларни паст истикболли кредитлар деб юритиш мумкин. Бундай кредитлар салмоғи 1 январ 2013 йилда 7,5 млрд. сумни ташкил қилган. Бу эса банк кредит портфелининг салмокли қисмини ташкил қилади.

3.3. Тижорат банкларининг кредит портфелининг таркиби ва уни такомиллаштириш йуллари

Тижорат банкларининг кредит портфелининг таркиби турли хил муддатли кредитлардан ташкил топган (7 - жадвалга каралсин). Агро банк, Кишлок Курилиш банки ва Асака банкларда кредит куйилмаларнинг асосий кисми киска муддатли кредитларга йуналтирилган булса, Ипотека банк, Ишлаб чиқариш-курилиш банкида маблагларнинг 52,87% - 74,02% узок муддатли кредитлаш учун ажратилган. Агро банкда киска муддатли кредитларнинг асосий кисми марказлаштирилган ресурслар хисобидан, ишлаб чиқариш курилиш банки, Асака банк кабиларда узок муддатли кредитлар махсус давлат дастурларини амалга ошириш учун мулжалланган ресурслар хисобидан амалга оширилган. Кредит портфелининг чуқуррок тахлили шуни курсатадики, кредитларни муддати бўйича бир сохага куйиш, истикболли булмаган сохага жойлаштириш кредитнинг муаммоли булишига олиб келади.

. 7-жадвал


Тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган қисқа муддатли кредитлар динамикаси

(млн. сўмда)

Банклар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012й.	2013 й
Ўзбекистон бўйича:	344737,3	359232,7	418422,3	569170,1	891217,6
Микрокредитбанк	114988	84959,2	78346,5	102955,9	114607,3
Ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш банк	32414,7	42124,8	57378,9	79883,2	126251,0
Агро банк	39404,2	50197	81192,5	141069,4	185228,2
Миллий банк	7013,9	7182,9	6709,5	10406,1	25654,3
Кишлок курилиш банк	32530	33135,6	28424,9	25322	35724,4
Асакабанк	15722,6	14732,5	23513,1	19511	50448,1
Бошқа банклар	102664,3	126900,7	142856,9	190022,5	389028,6

Шуни таъкидлаш жоизки, Микрокредитбанк, Ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш банк, Агробанк ва қисқа муддатли кредитлаш амалиётидаги мавқеи юқориликча қолмоқда. 2013 йилнинг 31 декабр ҳолатига берилган қисқа муддатли кредитларнинг 47,8 фоизи мазкур уч банкнинг ҳиссасига тўғри келди. (2 – диаграммага каралсин).


Келтирилган маълумотларидан кўриниб турибдики, 2009–2013 йиллар мобайнида ОАТБ “Микрокредитбанк” кредитларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади ва ОАТБ “Микрокредитбанк” нинг кредит бозоридаги мавқеининг мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради (3 – диаграммага каралсин).



2013 йилда кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2009 йилга нисбатан юқори суръатда пасайган. Бу эса, банк активларининг даромадлилигини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3- диаграмма

ОАТБ “Микрокредитбанк” кредитларининг активлардаги улуши⁹, (фоизда)



2009-2013 йиллар мобайнида ушбу банкда активларнинг таркибида кредитларнинг салмоғи барқарорлигича қолган. Бу эса, ижобий ҳолат ҳисобланади ва банкнинг миллий ссуда капитали бозоридаги мавқеининг мустаҳкамлигидан далолат беради.

Тижорат банклари фаолиятида хавфли булган кредит куйилмалар - бу муаммоли кредитлар шаклига кирган куйилмалардир. Муаммоли кредитлар одатда карз олувчининг кредитни тулаш учун етарли пул маблағлари булмаган ҳолда юзага келади. Баъзи ҳолларда улар мижознинг счётида маблағи була туриб, кредитни тулашни хохламаганда ҳам юзага келади. Пул маблағларининг етишмаслиги баъзида бирдан юзага келиши, баъзи ҳолларда

⁹ ОАТБ “Микрокредитбанк” нинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

бундай ахвол аста – секинлик билан ривожлана бориб юзага келиши мумкин. Пул мабларлари етишмовчилигининг ички ва ташки белгилари булиши мумкин. Кредит булими ходимлари шу белгилар юзага келишини биринчи булиб сезмокликлари ва банкни кредит бўйича йукотишлардан сакловчи чегара булишлари лозим. Улар банк ва мижоз манфаатини саклаб долган холда бу молиявий кийинчиликлардан чиқиш йулларини ишлаб чиқишга ёрдам беришлари, бошка суз билан айтганда банклар тулов кунни кредитни ундиришни уйлаб утирмасдан, мижоз фаолиятида муаммолар юзага келган вақтдан бошлаб мижозга ёрдам беришлари, уларга таъсир курсатишлари зарур. Бунинг учун банк доимо мижознинг фаолиатидан бахабар булиши, узи учун зарур ахборотларни йигиб, тахлил қилиб бориши ижобий натижа бериши мумкин.

Амалиётда банкнинг кредит булими ходимлари берилган кредитлар устидан етарли назорат олиб бормасликлари билан бирга, мижознинг инкирозли холати аниқлангандан кейин ҳам шу тугрисида банк бошқарувига, кредит кумитасига уз вақтида ахборот бермайдилар ёки мижознинг илтимосига кура ахволнинг яхшиланишини кутадилар (8 – жадвалга каралсин).

Баъзи холларда мижознинг ахволи кредит булими ходими аниқлагандан ҳам ёмон булиб чиқиши мумкин. Буларнинг барчаси вақтнинг утишига, бинобарин, муаммоли кредитнинг янада муаммолашувига олиб келади.

Бундай холларнинг олдини олиш учун кредит булими фаолияти тез-тез ички аудит томонидан текширилиб туриши, муаммоли кредитлар, уларнинг сабаблари аниқланиб турилиши лозим.

Муаммоли кредитлар аниқланганда кредит булими ходими аввалам бор ахборотлар, маълумотлар йигиши ва уларга асосан инкирознинг олдини олувчи стратегия ишлаб чикмоги лозим.

IV Боб Кредит портфелини оқилона бошқариш оркали муаммоли кредитларни пасайтириш йуллари.

4.1 Муаммоли кредитлар ва уларни сифат белгиларига қараб гурухлаш.

Муаммоли кредитларни уларни бериш бўйича белгиларига қараб қуйидаги гурухларга бўлиб, таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- банкнинг уз қарори бўйича берилган кредитлар;
- ҳукумат қарори бўйича берилган кредитлар;
- вазирликлар қафолати бўйича берилган кредитлар;
- бошқа турли қарор ва қафолатлар бўйича берилган кредитлар.

Агар банк барча рискни узига қабул қилган ҳолда узи кредит беришга қарор қилиб, бу кредит бўйича муаммолар юзага келган бўлса, у ҳолда банк бизнинг фикримизча мижознинг акциядорлик муносабатини куриб чиқиши лозим. Агар мижоз банкнинг акциядори бўлса, кредитни кайтариш масаласини унинг акциядорлик жамиятидан салмоғи ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мабода кредит ҳукумат ёки вазирликлар қафолати бўйича берилган бўлса, у кредитларни ундиришнинг қуйидаги ечимини таклиф қилмоқчимиз.

Молия Вазирлигида ҳукумат қафолати бўйича берилган, лекин муаммоли кредитларга айланган кредитлар бўйича иш олиб боровчи агентлик – эмитентни ташкил қилиш лозим. Бу агентликга облигациялар чиқариш ҳукуки берилиб, муаммоли кредитлар бўлган банклар шу облигацияларни сотиб олиш йули билан муаммоли кредитлар салмоғини коплашлари мумкин. Облигациялар узок муддатга эга бўлган ҳолларда банклар улар бўйича дивиденд олиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Муаммоли кредитлар бозорини ташкил қилиб унда муаммоли кредитларни ва улар бўйича банклар олган облигацияларни сотишни йулга қуйиш лозим.

Муаммоли кредитлар юзага келиш сабаблари бўйича бир-биридан фарк қилсада, уларнинг олдини олишда қуйидаги ёндашишлар қул келиши мумкин:

- қарзни реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқариш;
- қушимча ҳужжатлар ва қаролатлар олиш;
- қушимча фондларни тухтатиш ёки қушимча инъекция қилиш;
- қаровни сотиш;
- бошқа активларни сотиш;
- қаролат бўйича туловни талаб қилиш;
- бошқарувни алмаштириш;
- менежмент ишларини олиб бориш;
- ҳуқуқий масалаларни қуриб чиқиш ва бошқалар.

Республика тижорат банқларининг қредит портфелининг тахлили (19-жадвал) шуни қурсатадики, тижорат банқлари томонидан берилган қредитлар таркибида муаммоли қредитлар салмоғи қарийиб 1,5 - 2,4 % ни ташқил қилади. Бу қредитларнинг ҳажми 1.X 2013 йилда 1.01.2013 йилга нисбатан 0,9 пунктга қамайган. Бу қурсатқич Республика тижорат банқларининг қредит портфелининг сифати нисбатан ошганидан далолат беради. Алоҳида олинган тижорат банқларининг қредит қурилмаларида муаммоли қредитларнинг салмоғи тугрисидаги маълумоти тахлил материаллари шуни қурсатадики, муаммоли қредитлар соҳасида банқларни икки хил гуруҳга бўлиб қараш мумкин.

Биринчи гуруҳ бу салмоқли миқдорда муаммоли қредитга эга булган банқлар ва иккинчи гуруҳ унча юқори булмаган, ижобий натижа билан ққунланиши мумкин булган муаммоли қредитлар мавжуд булган тижорат банқларидир. Агар муаммоли қредит сифатида тахлил қилишнинг асоси қилиб, фақат шубҳали на ишончсиз қредитларни оладиган булсак, бу ҳолда бутун Республика миқёсида, ёки алоҳида олинган баъзи банқларда муаммоли қредитлар ҳажми анча паст. Агарда бу қредитлар сафиға субстандарт

кредитлар ҳам кушиладиган булса, муаммоли кредитлар салмоғи янада ошади. Субстандарт кредитлар ҳам уз вақтида туланмаганлиги туфайли муаммо келтирувчи кредитлар таҳлил қилиниши мумкин.

Республика тижорат банклари тизимида «Халқ банки» юкори микдорда 01.01.2013 йилда 51,2 %, 01.04.2013 йилда 48,2 %, 01.07.2013 йилда қарийиб 33 %, 01.10.2013 йилда йилда 24,7 % муаммоли кредитларга, «Тадбиркор банк» 35 -38 % атрофида, «Ипак Йули» банк - 43 % атрофида, Савдогар банкда - 20 %, «Наманган банк» уртача 23 - 30 % атрофида муаммоли кредитларга эга булганлар (10 – жадвалга қаралсин).

Бизга маълумки, тижорат банкларининг ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш Марказий банк томонидан мувофиқлаштирилиб борилади. Шунинг учун банклар тизимининг самарали ва барқарор фаолият курсатишини таъминлаш масаласи турли мамлакатлар Марказий банкининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Хар бир мамлакатда бу соҳада урнатиладиган назорат Марказий банк томонидан тижорат банкларида уларнинг активлари бўйича мумкин булган йукотишларни коплаш учун захиралар ташқил қилиш ва уни доимо барқарор ушлаш масаласини куяди. Амалиётдан маълумки, банкларнинг банкрот булишида асосан учти сабаб булиши мумкин. Булар кредитларнинг қайтарилмаслиги ёки бошқа активларнинг йукотилиши, банкларнинг ноликвидлигини на банкларнинг асосий фаолиятидан келадиган зарарлардир. Бу омилларнинг хар бири банк капиталининг камайишига олиб келади. Банк капиталининг нолдан пастга тушиши банкнинг туловга лаёқатсизлигидан, унинг активларига нисбатан унинг мажбуриятлари ошиб кетганлигидан, бошқача қилиб айтганда унинг банкротлигидан далолат беради ва банк лицензиясидан махрум булиши мумкин.

Халқ хужалигига қуйилган кредит маблағларда муаммоли кредитларнинг салмоғи

Кредитлар	01.01.2013	01.04.2013	01.07.2013	01.10.2013	Йил охирида йил бошига нисбатан узгариши +,-
Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар – жами:	100	100	100	100	-
Шу жумладан -					
Муаммоли кредитлар салмоғи	2,4	1,8	1,6	1,5	-0,9

Банклар муаммоли кредитлар бўйича эхтимолий йукотишларга захиралар ажратишлари, задира фондининг етарлилиги энг камида бир ойда бир марта куриб чиқилиши керак.

Субстандарт ва шубхали кредитлар бўйича барча эхтимолий йукотишлар ссуданинг амал қилиш муддати давомида захира фондига яхши ва стандарт активлар учун барча эхтимолий йукотишлар эса келгуси 12 ой давомида захира фондига киритилиши керак.

Ишончсиз кредитлар эса хисобдан чиқарилиши ва захира фонди шу захоти керакли микдорга кискартирилиши ҳамда йукотишлар кредитларнинг кайтарилмайдиган деб топилган даврдан хисобдан чиқарилиши лозим. Қуйидаги 11 - жадвалда захиралар нормаси келтирилган.

11 - жадвал

Кредитларнинг сифати бўйича шакллантирилиши лозим булган захиралар нормаси

Кредитларнинг сифати бўйича синфлари	Эхтимолий йукотишлар бўйича захиралар учун ажратмалар нормаси
Яхши	-
Стандарт	10 %
Субстандарт	25 %
Шубхали	50 %
Умидсиз	100 %

Тижорат банки Бошқаруви қарорига кура, кредит кумитасининг хулосаси бўйича ва банк Кенгаши билан келишувига биноан ишончсиз деб топилган бешинчи синф кредитлари ссудалар бўйича эхтимолий

йукотишларга шакллантирилган заҳира ҳисобига, заҳира етишмаган тақдирда «таксимланмаган фойда» ҳисобига балансдан чиқарилади.

Амалиётда тижорат банклари коникарли кредитлар бўйича 10 %, стандарт кредитлар бўйича - 25 %, шубҳали кредитлар бўйича - 50% ва ишончсиз кредитлар бўйича - 100 % атрофида заҳиралар ташқил қилишлари ва юқори келтирилган кредитлар бўйича буладиган йукотишлар шу заҳиралар ҳисобидан қопланиши лозим. Лекин амалиётда барча банклар ҳам белгиланган миқдорда заҳира ташқил қилиш қоида­сига риоя қилишмайди. Қуйида келтирилган жадвалда Ўзбекистан Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича яратилиши лозим бўлган заҳира миқдори таҳлил қилинган.

12 -жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг сифат даражаси бўйича заҳиралар ташқил қилиш

Давр	Ташқил қилиниши лозим бўлган заҳира миқдори	Ҳақиқатда ташқил қилинган заҳира	Фарқ
01.01.2013	100	85,5	-14,5
01.04.2013	100	82,1	-17,9
01.07.2013	100	88,3	-11,7
01.10.2013	100	95,5	-4,5

12 - Жадвал маълумотлари шуни курсатадики, таҳлил қилинган 2013 йил давомида барча чорақларда зарур бўлган заҳирага қараганда кам

микдорда захира ташқил қилинган. Масалан, 01.01.2013 йилда ташқил қилинши лозим булган захиранинг 85,5 %, 01.04.2013 йилда 82,1 %, 01.07.2013 йилда 88,3 %, 01.10.2013 йилда 95,5 % атрофида йукотишларни коплаш учун захиралар ташқил қилинган. Тугри, йил охирига келиб республика тижорат банклари томонидан яратилиши зарур булган захирага якинрок, яъни 95,5 % атрофида захира яратилган булиб, бу муаммоли кредитлар бўйича баъзи масалаларни ижобий хал қилишда кул келиши мумкин.

4.2 Тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитлар чегарасини белгилаш йуллари

Баъзи тижорат банкларнинг кредит портфелида муаммоли кредитлар салмоғи анча паст булиб, бу кредитлар бўйича муаммоларни хал қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш банкдан камрок харажат талаб қилиши мумкин.

Энди республика тижорат банкларининг баъзиларида мавжуд булган муаммоли кредитлар бўйича захиралар ташқил қилишни чукуррок урганиш максадида шу банкларнинг амалий материалларини тахлил қилдик. Тахлил маълумотлари шуни курсатадики, сифат жихатдан ижобий кредит портфелига эга булган банклар асосан талаб қилинган даражада, баъзи холларда ундан хам ортикрок микдорда захиралар ташқил қилганлар Миллий банк, Асака банк, СКБ, УТбанк ва бошка баъзи банкларни олиш мумкин. Энг куркинчлиси муаммоли, хаттоки, шубхали ва ишончсиз кредитлар бўйича белтилайган захираларнинг ташқил қилинмаслигидир. Тахлил материаллари шуни курсатадики, республика тижорат банклари ичида энг куп микдорда муаммоли кредитларга эга булган Халқ банки 2009 йил давомида мавжуд муаммоли кредитлар бўйича захиралар ташқил қилмаган. Шунга ухшаш холни Савдогар банк мисолида куриш мумкин. Бу банк фаолиятида

муаммоли кредитларнинг 3 - 5 % атрофида захиралар ташқил қилинган. Худди шунга ухшаш ахволни «Узтадбиркорбанк»лари мисолида куриш мумкин. «Узтадбиркорбанк»да ахвол бошка банклардагига нисбатан бир мунча енгил булиб, зарур захиранинг 32 - 43 % кисми яратилган.

Тижорат банкларининг кредит портфелининг сифатини яхшилаш максадида амалга оширилган ишлардан бири «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги Конун билан ҳаракатда булмаган ва ишончсиз кредитлар бўйича захиралар ташқил қилиш тугрисида мажбуриятнинг банклар зиммасига юклатилишидир. Шу захиранинг ташқил қилиниши ва Ўзбекистан Республикаси Марказий Банки томонидан муддати утган қарзлар миқдорини камайтириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Республика банк тизимида 1996 йилда муддати утган ссудалар ҳажми кредит қуйилмаларнинг умумий ҳажмида 10 % дан 2 % гача камайган.

Ссуда активларини таҳлил қилиш банкнинг кредит портфелининг сифати тугрисида ахборот бериши мумкин. Банк кредитларининг умумий белгилари ва хусусиятларига қараб кредит портфелини таснифлаб, мумкин булган йукотишларни коплаш бўйича яратиш лозим булган захира суммаси аникланади. Бизнинг фикримизча йукотишларни коплаш учун зарур булган захира миқдори канча юкори булса, бу банкнинг молиявий ахволида камчиликлар борлигидан далолат беради. Шунинг учун банкларнинг портфел активларининг сифатини баҳолашда йукотишларни коплаш учун ташқил қилинган захира банкнинг устав ва захира капиталларига нисбатини белгилаб берувчи курсаткични ҳисоблаш зарур. Шу нисбат асосида тижорат банки активлар портфелининг сифатига рейтинг шкаласи бўйича «кучли»дан «кониқарсиз»гача баҳо бериш мумкин. Кредит портфелининг сифати 1-V баллгача булган рейтинг асосида баҳолалиши мумкин.

I рейтинг балл (кучли).

Муаммоли кредитлар бўйича яратилган захира банк жами каииталининг 10% дан ошмаса. Агар банкнинг молиявий ҳолати яхши, унда

муаммоли кредитлар булмаса бу курсаткич 10% дан озгина ошса хам банкга I рейтингли бахо бериш мумкин.

II рейтинг (коникарли).

Захиранинг уртача тортилган миқдори жами капиталга нисбатан 15 % дан юкори булмаслиги лозим. Бу холда хам ссудалар бўйича муаммолар булмаса, банкнинг кредит сиёсати талаб даражасида олиб борилса.

III рейтинг (уртача).

Умум тортилган захира миқдорининг жами, капиталга нисбатан 30 % дан ошмаслиги лозим. Бу рейтингда банк олиб бораётган кредит сиёсати хар томонлама тахлил қилинади.

IV рейтинг (хавфли - критический)

Умум тортилган захира миқдорининг жами капиталга 50 % дан ошмаслиги лозим.

V рейтинг (коникарсиз).

Умум тортилган захира миқдорининг жами капиталга нисбати 50 % дан юкори булган холат.

Таклиф қилинган усул бўйича тижорат банкларининг рейтингини аниклашимиз мумкин (13 – жадвалга каралсин).

Кредит портфелининг сифатини баҳолашда ягона ёндашувга эришиш мақсадида биз таклиф қилмоқчи булган иккинчи йуналиш кредит портфелининг ишончилигини аниклашнинг балли тизимидан фойдаланишдир. Биз учун аввалом бор кредитнинг кайтарилмаслик riskини (riskини R_k) ҳисоблаш зарур. Бу курсаткич (R_k)ни эҳтимолий йукотишларни коплаш учун ташқил қилиниши зарур булган захиралар суммасини (EYS) кредит портфели суммасига (K_p) бўлиш йули билан аниклаш мумкин (11 – формулага каралсин):

Тижорат банкларининг активлар портфелининг рейтинг баҳоси

№	Банкларнинг номи	Рейтинг курсаткичи	Таклиф қилинаётган усул бўйича эгаллаган балли	Банк фаолиятининг сифат таснифи
1	Асака банк	0,4	1	Кучли
2	Ипотека банк	9,2	1	Кучли
3	Ишлаб чиқаришқурилиш банк	10,2	1	Кучли
4	Агро банк	10,5	1	Кучли
5	Тадбиркор банк	142,9	5	Хавфли
6	Кишлоқ қурилиш банк	4,4	1	Кучли
7	Савдогар банк	47,5	4	Хавфли
8	Турон банк	20,6	3	Уртача
9	Ипак йули банк	7,9	1	кучли

11 - формула

EYS

$$R_k = \frac{\text{-----}}{\text{-----}} \times 100 \%$$

Kp

Кейин эса олинган натижалар асосида, кредитнинг кайтарилмаслик риск асосан тижорат банкининг кредит портфели сифатига куйидагича рейтинг баҳо бериш мумкин (14 – жадвалга каралсин).

14 - жадвал

Кредитнинг кайтарилмаслик хатари (риски)	0 – 2 %	3 – 5 %	11 – 15 %	20 – 49 %	50 – 100 %
Рейтинг баҳо	1	2	3	4	5

Банкнинг кредит портфели «3» ва ундан юкори баллга баҳоланса, бу банкда кредитни кайтармаслик муаммоси бор эканлигини курсатади. Бу эса вақтида чора курилмаса, банк учун салбий. оқибатларга олиб келиши мумкин (15 – жадвалга каралсин). Бундай банклар фаолиятини УЗР Марказий Банки назорат қилиб бориши, мажбурий захиралар бўйича талабларни ошириш каби чоралар куриши мумкин.


15 - жадвал

№	Банкларнинг номи	Кредитнинг кайтарилмаслик хатари	Рейтинг баҳо
1	Миллий банк	0,75	1
2	Ипотека банк	0,80	1
3	Ишлаб чиқариш курилиш банк	0,93	1

4	Агро банк	1,09	1
5	Тадбиркор банк	30,0	4
6	Кишлоқ қурилиш банк	1,74	1
7	Савдогар банк	12,3	3
8	Турон банк	9,2	2
9	Ипак йули банк	9,73	2

Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар сифатининг пастлиги, уларни тулаш бўйича муаммоларнинг куплиги банк фаолиятига салбий таъсир курсатади ва банк томонидан кредит сиёсатини тузиш ва уни олиб боришда маълум камчиликларга йул куйилганидан далолат беради. Халқ банки ва Тадбиркор банклар томонидан берилган кредитлар сифатини пастлигининг сабабларининг тахлили шуни курсатадики, шу банклар томонидан асосий сабаб туфайли, яъни биринчидан, кредитлар беришда миждознинг кредитга лаёкатлилиқ курсаткичлари, уларнинг молиявий ахволининг яхши тахлил қилинмаганлиги, иккинчидан, кредитнинг таъминланганлиги тугри аникланиб, расмийлаштирилмаганлиги ва учинчидан, уз вақтида, тугри кредит мониторинг утказилмаганлиги туфайли юзага келган. Албатта, бу сабабларнинг барчаси банк рискиннинг ошишига, бинобарин банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигининг тушиб кетишига олиб келади (4 – диаграммага каралсин).

5 Тижорат банкларнинг активлари бўйича эҳгимолий йукотишларни
коплаш учун ташқил қилинадиган захиралар



Хулоса ва тавсиялар.

Магистрлик диссертациясида амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги асосий хулоса ва тақлифларни чиқаришга муваффақ бўлдик.

1. Банк капиталининг иқтисодий моҳияти ҳусусида ҳамон ягона илмий ёндошув мавжуд эмас. Олимларнинг банк капитали ҳусусида берган таърифларининг қиёсий таҳлилига таянган ҳолда унга: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб банкнинг операцион жараёнида қутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи узига хос ҳимоя воситасидир», - деган таъриф берилди.
2. Тижорат банкларининг капитали икки қисмдан, яъни асосий капитал ва қушимча капиталдан иборат бўлиб, асосий капитал барқарорлиги жиҳатидан қушимча капиталга нисбатан устун турувчи молиялаштириш манбаидир. Таҳлил қилинган давр мобайнида, тижорат банкларининг асосий капитали таркибида устав капиталининг ҳақиқатда туланган қисми пасайиш тенденциясига эга эканлиги аниқланди. Тижорат банклари устав капитали ҳақиқатда туланган қисмининг асосий капитал ҳажмидаги салмоғи пасайишига йул қуймаслик зарур.
3. Тижорат банклари жами кредит портфели юқори узиш суръатлари асосан махсус захиралар ҳисобидан таъминланмоқда, махсус захиранинг асосий улуши эса девальвация захираси ҳиссасига тутри келади. Капитал таркибида ушбу модда нобарқарор молиявий манба эканлигини ҳамда асосий капиталнинг етарлилиги миқдорининг сезиларли даражада юқорилигини инобатга олиб, девальвация захирасини асосий капитал таркибидан қушимча капитал таркибига киритиш лозим.

4. Хозирги вақтда дунёнинг юздан ортик мамлакатада, шу жумладан, Ўзбекистан тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда халқаро Базель кумитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Базельнинг ижобий жihatлари билан биргаликда, унга хос бўлган асосий камчилик ҳам бор, яъни, банк кредитлари бўйича риск тоифалари миқдор иқтисодиётнинг қайси секторига ва қайси давлатга мансуб эканлигига қараб белгиланган эди. Республикамиз тижорат банкларида Базель андозаларининг факатгина ижобий жihatларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек унинг рискка тортиш тизимида айрим ўзгартиришлар киритиш зарур.
5. Тижорат банклари кредит портфелини таркиби таҳлил қилинганда улардаги қўшимча капитал базаси заиф эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаблари уларнинг қўшимча капитали таркибида консолидациялашган шўба корхоналарга қилинган қўйилмалар мавжуд эмаслиги, субординациялашган қарз мажбуриятларидан фойдаланиш тартиби ижобий ечимини топмаганлиги ва берилган кредитларнинг қайтарилмаслиги натижасида йўқотиши мумкин бўлган зарарларни қўллаш захираси миқдорининг пастлигидир. Демак, тижорат банклари қўшимча капитал базасини мустаҳкамлашда мавжуд имкониятлардан туларок фойдаланиш мақсадга мувофиқ.
6. Миллий иқтисодиётда иккиламчи қимматли қўғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини ўшбу бозорда доимий олди-сотди объектига айланишига тўсқинлик қилмоқда. Уларнинг капитали

таркибида эмиссион даромадларнинг вужудга келиш имкониятини бермаяпти, акцияларнинг бозор баҳосини шаклланишига иктисодий мухит яратилмаяпти. Шунингдек, банк акциядорларини моддий жихатдан манфаатдорлигани ошириш ва уларнинг банк бошқарувидаги иштирокини фаоллаштиришга иктисодий эҳтиёж тугдирмаяпти. Ушбу ҳолатларни ижобий ҳал этиш мақсадида, тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини иккиламчи қимматли қозғалар бозорида қенг қуламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим.

7. Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг асосий усуллари туртга бўлиб, улар банк устав капиталининг барқарор даражасини таъминлаш, банк умумий капиталининг етарлилигини таъминлаш, банк асосий капиталининг етарлилигини таъминлаш ва банк капиталдан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади. Тижорат банкларининг капиталини самарали бошқариш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ушбу усулларни тулик ишлашини таъминлаш зарур.
8. Тижорат банклари жами капиталининг ва асосий капиталининг етарлилиқ даражасини бошқариш амалиётини таҳдил қилиш натижалари шуни қурсатдики, капиталнинг ҳар иққала етарлилиқ қоэффицентини ҳақиқатда бажарилиши барча йирик тижорат банкларида белгиланган норматив миқдорга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бунинг асосий сабаби сифатида банкларнинг ризкка тортилган активлари ҳажмининг нисбатан пастлиги ва асосий капитал нобарқарор молиявий манбалар ҳисобидан узиб бораётганидир. Ушбу масаланинг ечими сифатида, банкларнинг соф фойдасини асосий капитал таркибига қиритиш лозим, шунингдек, асосий капитални молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантиришнинг мавжуд бошқа имқониятларидан ҳам

туликрок фойдаланиш лозим.

9. Миллий иктисодиётда тижорат векселлари муомаласини мавжуд булмаганлиги сабабли, хозирча, траст ва форфейтинг компаниялари шаклидаги консолидациялашган шуъба корхоналари очишга зарурият йук. Лекин, миллий иктисодиёт ривожланишининг хозирги боскичида тижорат банкларининг лизинг ва факторинг хизматларига хужалик субъектлари томонидан эhtiёж юкорилигини инобатга олиб йирик тижорат банклари кошида мустакил балансга эга булмаган лизинг ва факторинг компанияларини ташкил этиш куламини кенгайтириш махсадга мувофик.

10. Йирик тижорат банкларининг оддий акцияларини хусусий секторга мансуб корхоналарга сотиш хажмини ошириш йули билан банкларнинг устав капиталидаги давлатнинг улушини пасайтириш мумкин. Бунда банк Бошқарувида акциядорларнинг иштирокини фаоллаштириш ва уларнинг ролини оширилиши банк ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Банк Кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини ошириш оркали банк капиталини бошқаришнинг сифат курсаткичларини янада яхшилаш лозим.

Тижорат банкларининг капиталини молиявий барқарор манбалар хисобидан шакллантириш ва уларни самарали жойлаштиришга эришиш банкларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, аҳолининг банк тизимига булган ишончини янада ошириш ҳамда миллий иктисодиётнинг ривожланишига пухта замин тайёрлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. «Банк сири тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.2003 й. № 530-II.
2. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й. № 360-II.
3. «Кредит уюшмалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 04.04.2002 й. № 355-II.
4. «Лизинг тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 14.04.1999 й. № 756-I.
5. «Инвестиция фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 24.12.1998 й. № 719-I.
6. «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.04.1998 й. № 609-I.
7. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.
8. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. № 154-I.
9. «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 12.07.2007 й.
10. «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 19.12.2006 й.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

2. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

3. И.А.Каримов. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

4. И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008.

5. И.А. Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

6. И.А. Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

7. И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

Китоб ва туркум нашрлар

1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002й.

2. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. / Ш.З.Абдуллаева - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007.

3. Александрова Н.Г. Банки и банковская деятельность для клиентов. - Москва: Питер, 2002.

Интернет сайтлар

1. <http://www.review.uz/>

2. <http://www.uba.uz/>

3. <http://www.cbu.uz/>

4. <http://www.gov.uz/>